

**Da'vat**

**Gimnastika  
kishi yoshligini  
uzaytiradi.**

**Jon LOKK**

**Kuch - bilim va tafakkurda**



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqra boshlagan

2004-yil 6-oktabr, chorshanba

№ 81 (7690)

**SO'NGGI**

**UCH KUN**

**MUJ DALARI**

**FAR MON**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoniga ko'ra A.Azizxo'jaev O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari vaziri etib tayinlandi.

**INSON VA ZAMON**

O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi «Sog'lom avlod uchun» xalqaro nohukumat xayriya jamg'armasi, Bastakorlar uyushmasi, Badiiy akademiya bilan hamkorlikda «Mehr va muruvvat yili» dasturi doirasida «Inson va zamon» mavzuida adabiy-badiiy anjuman o'tkazdi.

Ukraina fashist bosqinchilaridan ozod etilganining 60 yilligiga bag'ishlangan mazkur tadbirda urush faxriylari yurtimiz Ikkinchi jahon urushi yillarida minglab ukrainaliklar va ota-onasidan judo bo'lgan boshqa millatlar farzandlarini o'z bag'riga olib, ularga mehmuruvvat ko'rsatgani haqida so'zlab berdilar.

O'zbekiston Badiiy akademiyasi Markaziy ko'rgazmalar zalida o'sha mashaqqatli urush yillariga oid fotosuratlar va yozishmalardan iborat ko'rgazma tashkil etildi.

(Davomi 2-betda)

## ПАРЛАМЕНТАРИЗМ: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Пойтахтимиздаги «Интер-континентал» меҳмонхонасида «Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси томонидан ташкил этилди. Конференцияда сиёсатшунослар, парламентаризм со-

ҳасидаги тадқиқотлар билан шуғулланувчи олимлар, Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар раҳбарлари, хорижий дипломатлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, экспертлар, Бельгия, Германия, Ҳиндистон, Польша, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Франция, Япония, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистоннинг давлат ва ноҳукумат тузилмалари вакиллари иштирок этдилар.

(Давоми 2-бетда)

**Ibrat**


«Sog'lom avlod uchun» xalqaro xayriya jamg'armasi Buxoro viloyati bo'limi tomonidan xayriya tadbiri o'tkazilib, hududdagi maxsus maktablar o'quvchilari va Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilariga kiyim-kechak, dori-darmon va turli o'yinchoqlar tuhfa etildi.



Ўзбекистонимиз бадий гимнастикасини дунёга танитишда мураббий Ирина Винернинг катта ҳиссаси бор. У ўзига хос бўлган ўзбек гимнастика мактабини яратиб, бир неча жаҳон чемпионларини тарбиялаган. Улар орасида «Афина – 2004» олтин медали соҳибаси, «Шарқ гўзали – 2004»нинг мутлақ ғолиби пойтахтимиздаги 110-мактабнинг собиқ ўқувчиси Алина Кабаева ҳам бор.

Ўзбек диёрида тарбияланган Алина Кабаева бу турнирда ҳам ўз маҳоратининг юксаклигини намойиш қилди.

Турнир тафсилотлари билан 15-бетда танишасиз.



ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА:

**ЎҚИТУВЧИ  
САЛОҲИЯТИ**

ўқувчи  
тақдирига таъсир  
қилади

3-бет

**МАКТАБДА  
БОШЛАНГАН  
ТАШАББУС**

тез орада туман  
бўйлаб оммалашди

4-бет

**БОҒЧАГА  
БОРМАГАН  
БОЛА**

унга бўлган  
муносабат қандай?

6-бет

**ЎҚИТУВЧИ  
МАДАНИЯТИ:**

у кийинишга ҳам  
боғлиқми?

7-бет

**НОБЕЛЬ  
ТАҚДИМОТИ  
БОШЛАНДИ**

13-бет

**ТЕАТРДА  
СЕҲР БОР**

аммо буни ҳамма  
ҳам ҳис  
қилавермайди

16-бет

SO'NGGI  
UCH KUN  
MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

**O'ZBEKISTONGA MOLIYAVIY KO'MAK**  
Islom taraqqiyot banki /ITB/ boshqaruvchilar kengashining Tehronda bo'lib o'tgan 29-yillik majlisida O'zbekiston Respublikasining Islom taraqqiyot banki bilan investitsiyaviy hamkorlik dasturi doirasida 52,6 million AQSH dollari miqdoridagi to'rtta loyiha bo'yicha moliyaviy shartnoma imzolandi.

Bu O'zbekiston Tashqi iqtisodiy faoliyat Milliy bankiga kichik biznes loyihalarini moliyalash uchun taqdim etilgan 15 million AQSh dollari, asfalt zavodini modernizatsiya qilish va yo'llar qurish hamda ularga xizmat ko'rsatish uskunalarini sotib olish uchun 12,5 million dollar, «Sirdaryo» elektr stansiyasidan «So'g'diyona» kichik stansiyasigacha elektr uzatish tarmog'i qurilishi uchun 25 million dollar, investitsiya kompaniyasini tashkil etish loyhasini tayyorlash uchun 143 ming AQSH dollariga teng grantdan iborat kredit liniyasidir.

Ayni paytda ITBning imtiyozli moliyalash sxemalari doirasida maktablar, kollej va akademik litseylar qurish hamda jihozlash uchun umumiy qiymati 18 million AQSh dollariga teng ikkita loyiha tayyorlanmoqda.

Umuman 2005-2007 yillarda O'zbekiston Respublikasining Islom taraqqiyot banki bilan Hamkorlik dasturiga muvofiq umumiy qiymati 400 million AQSh dollariga teng investitsiya loyihalarini amalga oshirish mo'ljallanmoqda.

BOLALAR  
KARDIOJARROHLIK  
MARKAZI

Toshkent pediatriya tibbiyot instituti klinikasida bolalar kardiojarrohlik markazi ish boshladi. Bu yurtimizda bolalarda uchraydigan yurak xastaliklarini davolashga ixtisoslashgan uchinchi shunday shifo maskanidir.

Markazni ishga tushirish va jihozlash uchun bir million AQSh dollaridan ko'proq mablah sarflandi. Bu ishlarni O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi YuSAID, Vestern Yunion va Kerelift Interneshnl xalqaro tashkilotlari bilan hamkorlikda amalga oshirdi.

Endilikda bu yerda zamonaviy tibbiy asbob-uskunalar yordamida aniq tashxis qo'yish, tug'ma yurak xastaligiga chalingan bolalarning hayotini asrab qolish imkonini yaratildi.

# ПАРЛАМЕНТАРИЗМ: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

— Ўтган йиллар мобайнида парламент фаолиятининг муайян тажрибаси тўпланди, — деб таъкидлади Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев. — Икки палатали парламентга ўтилиши Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қурилиши йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига бўлажак сайловларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш мутлақо янги асосда, бугунги воқеълик ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган. Бунинг учун амалдаги сайловга оид қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, қатор янги қонунлар қабул қилинди. Сайловлар демократик, очиқ ва ошқора ўтиши учун барча чора-тадбирлар кўрилди. Уларда сиёсий партиялардан, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот во-

ситалари вакиллари иштирок этиши ҳам сайловларнинг ҳаққоний ўтишига ёрдам беради.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда парламент илоҳотининг боришини, бўлғуси икки палатали парламент конституциявий-ҳуқуқий базасини таҳлил этдилар ва уни бошқа мамлакатлар қонунчилиги билан таққослади, республикамиз олий қонунчилик органи ишини янада такомиллаштириш йўллари ҳусусида фикр алмашдилар. Олий Мажлис палаталарини шакллантириш усуллари ва уларнинг ваколатлари, қонунларни ишлаб чиқишда сиёсий фракциялар иштирокининг механизми муҳокама этилди.

Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари конференция қатнашчиларини дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги парламент тизимлари, бу соҳадаги халқаро меъёр ва стандартлар билан батафсил таништирилди. Жумладан, анжуманда

ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази раҳбари Пэр Нормарк, Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё ва Кавказ бўйича минтақавий вакили Аня-Мария Кэссер, АҚШ Миллий матбуот маркази вице-президенти Питер Жеймс Хикман, Япония парламенти Юқори палатаси режалаштириш ва келишув офиси директори ёрдамчиси Ясуо Накаучи,

Ҳиндистоннинг Жавоҳарлаъл Неру номидаги университети профессори Нирмала Жоши, Польша Сейми депутати Кшиштоф Оксюта, Россия Фанлар Академияси Халқаро иқтисодий ва сиёсий тадқиқотлар институти катта илмий ходими Елена Кузьмина ва Россия стратегик тадқиқотлар институти катта илмий ходими Аждар Куртов, Украина Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биринчи проректори Нина Нижник ва Украина Президенти ҳузуридаги Миллий стратегик тадқиқотлар институти сиёсий стратегия

бўлими мудирини Виталий Паламарчук, Тожикистон Марказий сайлов комиссияси котибияти мудирини Муҳибилло Додожонов, Қирғизистон Марказий сайлов комиссияси аъзоси Женишбек Акматов ва бошқа давлатлардан келган сиёсий таҳлилчи ва экспертлар сўзга чиқдилар.

Конференция қизгин мулоқот ва фикр алмашиш руҳида ўтди. Турли қарашлар билдирилди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В.Норов конференцияни яқунлар экан, анжуман иштирокчилари хорижий парламентаризм тажрибаси тўғрисида кўпгина фойдали маълумотлар олганлигини, бу тажриба Ўзбекистоннинг янги парламентини шакллантиришда эътиборга олинишини таъкидлади.

Анжуман якунида парламент ишини янада такомиллаштириш ва демократлаштиришга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

Шерзод АҲМАТОВ,  
«Ma'rifat» муҳбири

Янги ўқув йили бошланиши билан Урганч шаҳридаги ўқувчилар саройи ҳам болалар билан гавжум бўлиб қолди. Маскандаги турли тўғарақлар фаоллашиб ўқувчиларни касб-хунарга ўргатмоқда.

Суратларда: тўғарақлардан лавҳалар акс этган.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Munosabat

Юрт келажаги ва иқболи фарзандлар камалида ўз аксини топади. Уларни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш оилада ота-онанинг, маҳаллада кўпни кўрган кексаларнинг, билим даргоҳларида эса катта масъулиятни зиммасига олган ўқитувчи ва мураббийларнинг зарур юмушларидан саналади. Бу борада мактабнинг ўрни ва мавқеи барчасидан устунроқ туради. Илм даргоҳини тугатган ўқувчи ҳаётда ўз йўлини топиб кетса, халқимизнинг ардоқли фарзандига айланса, унга сабоқ берган муаллимнинг обрў-эътибори янада ошади. Аксинча ҳолатда эса...

Баъзи ўқувчилар олий таълим муассасасига борганда тест синовларида нега жуда паст балл тўплайпти? Сабоби — умумтаълим мактабларида саводи ҳаминқадар бўлган ўқитувчиларнинг борлигидадир. Мактабни битирган аксарият болалар яхши ният билан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига қадам ранжида қилишадую, тест синовларидан ўтолмай ҳафсаласи пир бўлиб қайтишади. Ҳатто мактабларда нуқул «аъло»га ўқиган ўқувчилар ҳам кези келганда тестдан мулзам бўлиб чиқишаётир. Қалбини ўртаган саволларга эса жавоб йўқ:

«Иқтидорим билан ҳаммани қойил қолдирган эдим, тенгдошларим ҳавас қилишарди. Ёки мактабда устозларим сал ошириброқ баҳо қўйишганми-кан-а... Ота-онам ҳам кундалиқдаги қатор-қатор «беш»ларни кўриб, ўқишимдан кўнгиллари тўқ эди, имтиҳондан йиқилдим-а... қишлоққа бориб, ўртоқларимга нима дейман? Мен билмайдиган савол келди, дейманми?! Устимдан қулишмайдими? Ана репетитор тайёрлаган болалар талаба бўлишадими-ку. Ўқитувчиларимизнинг билими репетиторникидан кам бўлмаса керак ёки...»

Тўғри-да, наҳотки, мактабда таълим бераётган ўқитувчининг малакаси репетиторникидан кам бўлса?.. Бундан чикди, кўп мураббийларимиз ўз соҳаси бўйича яроқсиз экан-да. Бу масалада жиддий ўйлаб кўрадиган вақт аллақачон келди. Маънавий дунёқараши ва савияси мукамал шаклланган ўқитувчилар ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этиши керак. Халқ таълими соҳасини жадал ривожлантириш учун билимдон ва малакали кадрлар зарур. Нўноқ кадр жамият тараққиётини олға силжитишга ҳисса қўшолмайди. Илми ўткир, изланувчан, ташаббускор, ижодий кашфиётлари билан яхшигина тажриба тўплаган мутахассис ўқув масканининг бебаҳо бойлиги, топилмас гавҳаридир.

Мактабга келган ўқувчи ҳар бир фандан янги сабоқни ўзлаштириши лозим. Ўқитувчининг бир соат дарсга кирмай қолиши ёки ўз касбига лоқайд муносабатда бўлиши ўқувчиларнинг шу фанга бўлган қизиқишини сусайтириб юборади. Дарсни ҳаётий умумлашмалар, ижодий изланишлар билан бойитмаслик эса уни зериктириб қўяди. Бирор янги гап айтолмасангиз, дунёнинг муҳим воқеаларидан беҳабар бўлсангиз, ҳеч қачон ўқувчини ишонтиролмайсиз. Демак, ўқитувчи қайси фандан дарс ўтишидан қатъий назар кундалиқ матбуот хабарларини ўқиб бормоғи ва бу ҳақда ўқувчиларнинг маънавий савиясини шакллантиришга имкон топиши бирламчи вазифалар сирасига киради. Шундай йўл тутилмас экан, ўқувчини дарсга қизиқтиролмайди ёки у фан сабоқларига қатнашмасликни афзал билади. Шу ўринда Эркин исмли бир ўқувчининг фикрларини айнан келтиришни лозим топдим:

— Ўқитувчимиз дарсга кириб, аввал кечаги дарсни сўрайди. Сўнгра «муस्ताқил ўқиш» деб эртанги уй вази-

фасини кўрсатиб, ўзи чиқиб кетади. Эртаси куни келмай қолади. Бошқа муаллим топшириқ беради. Баъзан стадионга чиқиб, тўп тепамиз. Бўш дарс соатларимиз кўпайгандан-кўпайиб бораверади. Муаллим икки-уч кунлаб келмайди. Гоҳ туман халқ таълими бўлимига кетишган деса, гоҳида тўйга кетибди, дейишади. Баъзан дарсларимиз эртақхонлик билан бошланиб, кўшиқ айтиш билан тугайди.

тижоратчиларнинг сони ошаётганлиги бизни бефарқ қолдирмаяптими? Баъзи ўқувчилар дарс ўқигандан кўра ота-онаси очган савдо дўконидан ишлашни афзал кўрадилар. Бундай ҳолатнинг рўй беришига ким айбдор? — Менга мактабингдан нима наф. Дўконда ўтириб беш-ўн сўм топсанг, оёғингга туфли, устингга кўйлак олиш ҳақида бош қотирмайман, — деб фарзандини ўз манфаатига ишлашга ўрга-

дарсни ўтмаслиги мактаб жамоаси, қолаверса, маҳалла аҳли орасида муҳокама қилинмайди. Худди шунингдек, ўқувчи нега дарсга ўз вақтида келмаётганлигини, оиладаги муҳит, вазиятни мактабларнинг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари ёки синф раҳбари маҳалла кўмитасига тушунтирмайди. Жиноятчилар, муштумзўрлар, ишқмаслар қаердан пайдо бўлаяпти? Балки шундай лоқайдликнинг турли хил кўринишлари бунга туртки бўлаётгандир?

Мактабни тугатгач, бирданига ота-онанинг ҳаёлига ўғли ёки қизини ўқитиш истаги туғилади ва ҳеч нарсани билмайдиган фарзанди учун сўнги чорани қўллайди: фалон минг сўмга репетитор ёллайди. Бироқ, минг афсуски, вақтида етарли билим олмаган ўқувчи, барибир, у даражада илм эгаллашга тайёр бўлмайди. Яъни, оғир дамларда унинг қалбига ёруғлик машъаласини олиб кириш битта репетиторнинг кўлидан келмайди. Дўконда ишлаб топган маблағига эса пешонасидаги шўрни бирданига артолмайди...

Ўқитиш ва тарбиялаш ишлари ҳамма мактабда ҳам кўнглидагидек ташкил этилган деб бўлмайди. Кўплаб ўқитувчиларнинг етишмаслиги бир муаммо бўлса, мутахассисларнинг ўз соҳаси қолиб бошқа фанлардан дарс бераётганлиги иккинчи муаммо. Савияси паст, ижодий салоҳияти ҳаминқадар «мураббийлар» билан кўзланган довонни эгаллаб бўлмайди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонунларнинг, амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамиятини билмайдиган ўқитувчиларнинг борлиги энг катта нуқсон саналади. Ўн бир йил мактабда таҳсил олган ўқувчи оддий, шу билан бирга зарур ҳисобланган давлат тимсолларини билмайди. Нега? Чунки синф раҳбари, мактаб маъмурияти ҳамда унинг бошлиқлари мукамал илмга эга эмас.

Ўқувчи репетитор қўлига боргач, озми-кўпми саводи яхшиланади. Лекин уч-тўрт ойда унинг маънавий онги у қадар шаклланиб кетмайди. Эндиликда ҳар бир ўқитувчини аттестациядан ўтказиш, аҳволини аниқлаш ва унинг малакасини ошириш ҳақида кўп ва хўп ўйлаш керак бўлади.

Мактаб таълимидаги мавжуд муаммолар ечими борасида Президенти-мизнинг «2004 — 2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг соҳа ислохотига доир қатор қарорларидан сўнг бугунги изчил ислохотлар фарзандларимиз таълим-тарбияси бутун халқимиз ташвиши эканлигини яна бир бор ўқтиргандек бўлди. Аввало, умумтаълим мактабларида ўқитувчиларнинг ўқувчиларга замон талаблари даражасида таълим беришлари учун зарур шароитларни яратиш мақсадида таълим масканлари ўзига хос кўркемлик касб этаётганлиги қаторида замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланаётганлиги бир жиҳат бўлса, фидойи, ўз касбининг етук мутахассиси бўлган тажрибали ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар яна бир эътиборли ҳол. Бундан ташқари, юқоридаги фармонга кўра ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, уларни аттестациядан ўтказиш тизимларининг ҳам қайта кўриб чиқиляётганлиги аҳамиятга молик. Бир сўз билан айтганда, замон талабларига жавоб берадиган ҳозиржавоб ва билимдон ўқитувчиларни тайёрлаш эканмиз, халқ таълими тизимида буюк чўққиларни забт этолмаймиз.

# ЎҚИТУВЧИ САЛОҲИЯТИ

## Ўқувчи тақдирига таъсир қилади

Кўряпсизми, маънавий ўғрилари қаердан пайдо бўлаяпти. Ўқувчининг тақдирини, келажаги ҳақида ким қайғуради? Дарсни ўтмасдан ёки ўқувчи онгига бирор янги фикрни сингдирмасдан маош олиш ўғирлик эмасми?

Уйда ўз ташвишлари билан машғул бўлган ота-она ҳам кўпича фарзандлари тақдирига эътибор беравермайди. Мактабдан қайтгач, фалон ишни бажариб келгин ёки «молларни бир ўтлатиб келсанг, сут-қаймоғи кўпаярди» қабилдаги топшириқлар боланинг китоб ўқишга, фанни ўрганишга бўлган ихлосини сўндириши аниқ. Сўнги пайтларда болалар ўртасида

тадиган ота-оналар анча-мунча топилади. Гарчи бола мактабда яхши ўқиётган бўлса-да, бу сўзлардан кейин «фойдаси йўқ» мактабни йиғиштириб қўя қолади.

Оқибатда маънавий баркамол ёшларни тарбиялаб вояга етказишда маънавий кемтиклик ҳосил бўлаётир. Ўқитувчи «менга нима, хоҳласа ўқисин, хоҳламаса...» деб қўл силтайди. Натижада, оила ва мактаб ўртасида узилиш пайдо бўлади. Бундай кезларда ота-оналар фарзандларига яхши таълим берилмаётганлигидан нолиб, маҳалла фаолларига мурожаат қилишмайди. Ўқитувчиларнинг савияси, ўз вақтида



Бухоро вилояти Олот туманидаги 7-олимпия спорт мактаб-интернати физика фани ўқитувчиси Бахтиёр Ҳожиев ўқувчиларга амалий дарс ўтмоқда.

Б.РИЗО олган сурат.

Файрат БОБОҚУЛОВ.  
Пастдарғом тумани

## "2004-2005 o'quv yili — Maktabdan tashqari ta'lim samaradorligini oshirish o'quv yili"

Бир гуруҳ болаларга яқинлашман. Улар давра қуриб ўтириб олишган. Давра ўртасида эса, чекилган сигареталар қолдиғи, кераксиз қоғоз, писта пўчоқлари билан аралашиб ётибди. Уларга яқинлашаётганимни кўрган бир-икки нафари қаддини ростлади, баъзилари эса парвойига ҳам келтирмай, ўзи билан ўзи овора бўлиб ўтираверди.

— Бекорчиликми, — дедим. Болалар берган саломимга индамасдан қараб тураверди.

Ҳаммаси сочини алламбало рангга бўяб олган, даврадагилардан нимаси биландир ажралиб турган болага қарадим. Адашмасам, ана ўша бола даврабоши.

— Апа, ишимизга аралашманг, бизани тинч қўйинг.

— Мен фақат сизлар мактабда ўқийсизларми-йўқми билмоқчи эдим, — дедим ичимдан келаётган титроқни билдирмаслик учун ўзимни анча дадил тутишга уриниб. Билиб бўладими, бундай болаларнинг жаҳди бурнининг учида туради, яна ташланиб қолса... Буёғи соат кечки 22.00 дан ошган.

— Апа, анув бизани мактаб, мактабда эса кечкурун ўқишмайди. Билдизми? Биза эрталаб мактабга чиқамиз.

— Ҳозир уйда ўтириб дарс тайёрласангизлар бўлмайди? Ҳаммаси менга анграйиб қараб қолди. Нима бало, бу қиз ақдан озганми, дегандек.

— Ўзи сиз кимсиз, бизага халақит берадиган. Ота-онамиз индамайдию. Нима ўқитувчимисиз? Энди кўчада ҳам ақл ўргатишлари етмай турувди. Мактабда ўқиймиз, ҳеч қанақа тўғракка қатнашмаймиз, спорт билан шуғуланмаймиз, бекорчиликни касб қилиб олганмиз. Сухбатдошим анчагина гап-

дон чиқиб қолди. Менимча, ота-онаси ҳам, ўқитувчилари ҳам, яқин-агрофидаги бошқа кишилар ҳам уларни тергайвериб, мана шундай ҳозиржавоб қилиб қўйган шекилли.

Айтишларича, чақалоқ дунёга тоза қалб, тоза иймон билан келар экан. Унинг қандай одам бўлиб вояга етиши эса, кўп жихатдан ота-онаси, у таълим бе-

Ана шундай ёт мафкуралар таъсиридан ёшларни асраш, улар онгига миллий истиқлол ғоялари ва Ватанга муҳаббат туйғусини сингдириш учун мактаб, маҳалла ва ота-она бирга иш олиб бормоғи керак, деб кўп таъкидлашмиз.

Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 32-умумтаълим мактабида ташкил этилган

мал ҳуқуқий билимлар берилади. Дарс жадвалига киритилган «Миллий истиқлол ғояси», «Маънавият асослари», «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанлари ҳам мазкур Марказда ўтилади.

Ўқувчиларга билим берадиган, улар онгига нима яхшию, нима ёмонлигини сингдиради-

ниҳоятда хавфли куч эканлигини ва унга қарши изчил, доимий курашиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Олий ўқув юртлири, коллежлар ва умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари, талабалари, ўқувчилар учун мўлжалланган ушбу тарғибот марказининг мақсади ҳозирги вақтда жамиятимиз учун хавф туғдираётган диний экстремизм ва терроризмнинг келиб чиқиши ва унинг аянчли оқибатлари, динни ниқоб қилиб олиб ўзининг ғаразли мақсадларини амалга ошириб, ҳукмронликка интилаётган ва бу ишда ҳақ қандай жирканч жиноятлардан тоймаётган ақидапараст ва террорчиларнинг ҳақиқий қиёфаларини ошкора тарзда кўрсатишдан иборат.

Марказ раҳбари, мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Муҳаббат Турдиматованинг гапларига қараганда, мактабда 1040 нафар ўқувчи бўлиб, 460 нафари ўғил болалардир.

— Мана шу тарғибот маркази мактабимизда 1999 йилги Тошкент воқеаларидан сўнг ташкил қилинган эди. Аммо, бу даражада жиҳозланмаган, ўқувчи ва ўқитувчилар кенг қамраб олинмаганди. Бугунга келиб марказ ишини фақатгина мактаб миқёсида эмас, туман миқёсида кенгайтиришга эришдик. Болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга, улар қалби ва онгини фақат эзгу фикр-ўйлар, ғоялар билан тўлдиришга муваффақ бўлаёلمиз. Ишларимиз ҳали давом этади. Ўйлайманки, биз ўз олдимизга қўйган мақсадимизга етамиз, — дейди сухбатдошим.

Биз ҳам бунга ишонамиз.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

# МАКТАБДА БОШЛАНГАН ТАШАББУС

## тез орада туман бўйлаб оммалашди

радиган устозлар, унга таъсир ўтказадиган жамоатчиликка боғлиқ бўларкан. Юқоридаги болалар ҳозирча балки ҳеч қандай жиноят қилмаётгандир, фақатгина бўш вақтини мазмунсиз ўтказаяётган, ўз гулдек ёшлигини беҳуда соураётгандир, эҳтимол. Лекин, мана шундай бекорчиликлар аста-секин уларни ўзларига «қизиқ» туюладиган ишларга ундамайди, деб ким кафолат беради. Бугун писта чақиб, сигарет чекаётган бўлса, эртага ана ўшаларнинг ёнига балки спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалари қўшилмайди, деб ҳеч ким айта олмайдику.

Аста-секин эса, уларнинг нималар билан шуғуланаётганликларини, вақтини қандай ўтказаяётганлигини кўриб, кузатиб юрган баъзи кишилар улар онгига диний-экстремизм мафкураси ва терроризм ғояларини сингдиришга ҳаракат қилдилар. Ва бу таъсир ўзининг салбий самарасини бермасдан қолмайди.

«Терроризмга қарши кураш ва ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш тарғибот Маркази» ана шундай таъкидларнинг амалий кўриниши, десак муболага бўлмайди. Бу марказ мактабдан ташқари таълим муассасалари тўғрақларидан нимаси билан фарқ қилади? Марказда ўқувчилар нималарни ўрганишлари мумкин, улар ўтган вақтларига ачинмайдиларми? Марказнинг «Камолот» ЁИХ билан ҳамкорлиги қай даражада?

Шу каби саволларга жавобни куйида билиб олишингиз мумкин.

Марказ ишини «Маънавият ва маърифат» маркази Олтиариқ туман бўлими ҳамда халқ таълими бўлими мувофиқлаштириб туради. Марказнинг ишчи гуруҳи тузилган. Ҳар ойнинг сешанба кунини бу ерда ўқувчилар ўз ҳуқуқий билимларини ошириш учун машғулотларда иштирок этадилар. Бу марказда ўқувчиларга мукам-

ган муаллимнинг ўзи ҳам кўп нарсдан хабардор бўлмоғи, жамиятда бўлаётган ҳар бир ўзгаришга ўз нуқтаи назари билан баҳо бермоғи лозим. Мана шуни яхши англаб етган марказ ташкилотчилари ҳар ойнинг жума кунини бу ерда ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳам ўқувини йўлга қўйганлар.

Марказ 6 бўлимдан иборат. Биринчи, яъни бош бўлим «Шу азиз Ватан барчамизники» деб номланган. Бўлимда Юртбошимиз Ислоҳ Каримов фаолиятига кенг ўрин берилган. «Миллий ғоя — бизнинг ғоя», «Тинчлик учун курашмоқ керак», «Ўзбекистон — инсонпарвар давлат», диний экстремизм ва терроризмга қарши қабул қилинган республика ва халқаро доирадаги ҳужжатларни ўрганиш бўлимлари шулар жумласига киради.

Жаҳоннинг турли минтақаларида содир этилаётган қўпурувчилик ҳаракатлари диний экстремизм ва терроризмнинг

Бугунги кун ҳар бир кишидан тадбиркорликни талаб этади. Тадбиркорликка тамға босилмайдиган даврда яшаётганимиз боис, қайси соҳада бўлмасин, ишбилармонликка кенг йўл очилган, имкониятлар яратилган. Модомики, бу замон тақозоси экан, умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари ҳам қўл қовуштириб ўтиришдан наф йўқлигини аллақачон англашган. Буни Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкиллаштирилган пойтахт умумий ўрта таълим муассасалари ўртасида ўтказилган «Ташаббускор мактаб» танлови исботлаб берди. Бюджетдан ташқари маблағни ишлаб топиш, ҳомий ташкилотларни мактабга жалб этишда энг илғор, ижодкор умумий ўрта таълим муассасаси жамоаси номини аниқлаш ҳамда мамлакатимиз раҳбарининг «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони, шу фармон асосида чиқарилган Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижросини таъминлаш ушбу танлов мақсадини намоян этади.

«Тадбиркор мактаб», «Асл мактаб», «Навқирон мактаб» номинациялари бўйича ташкиллаштирилган танлов 2003—2004 ўқув йилининг якуни ҳамда 2004—2005 ўқув йилининг бошланишини инобатга олган ҳолда дастлаб пойтахт туманлари миқёсида шу йил 1 сентябргача ўтказилди. Иккинчи — ҳал қилувчи босқич эса, ўқитувчи ва мураббийлар байрами арафасида «Зарафшон» кино-концерт залида бўлиб ўтди. Танловнинг якуний босқичида ҳар бир номинация бўйича дастлабки босқичда ғолиб бўлган туман мактаблари иштирок этишди. Танлов аввалида биринчи босқичда ғолиб бўлган пойтахтдаги 33 та умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарлари ташкилий қўмитага бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағлар ва уларнинг мак-

## ТАДБИРКОРЛИК ТАЪЛИМГА ҲАМ ХОС

таб моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчиларни рағбатлантириш учун ишлатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишди. Сўнгра Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича қисқача маълумот ҳамда уни тасдиқловчи фотосурат, видеоларча намойиш этилди. Шу билан бирга мактаб ҳақида ва умумтаълим муассасасида пуллик хизматлар кўрсатилаётгани тўғрисидаги маълумотлар берилди.

Бу тадбирни кузатиш асносида шунга амин бўлдики, ҳар бир мактаб жамоаси замон билан ҳамнафас бўлиб фаолият юритмоқда. Мактаб раҳбарлари тадбиркорлик моҳиятини тушуниб етишган.

Мактаб жамоалари ўз чиқишларида ҳисоб рақамига қанча миқдорда маблағ туширганию булар нималарнинг эвазига келгани, олдиндаги режалар тўғрисида маълумот бериб бўлишгач, Тошкент шаҳар ҳокимияти, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси вакиллари, олимлардан иборат ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳар бир номинация бўйича ғолиб бўлган мактабларни эълон қилишди. «Тадбиркор

мактаб» номинацияси бўйича 1-ўрин — 307-мактаб (Ҳамза тумани)га, 2-ўрин — 249-мактаб (Собир Раҳимов тумани)га, 3-ўрин — 60-мактаб (Миробод тумани)га насиб этди. «Асл мактаб» номинацияси бўйича куйидаги мактаблар тақдирланишди: 1-ўрин — 110-мактаб (Миробод тумани), 2-ўрин — 50-мактаб (Мирзо Улугбек тумани), 3-ўрин — 311-мактаб (Акмал Икромов тумани). «Навқирон мактаб» номинацияси бўйича дастлабки 3 ўринни куйидаги мактаблар бўлиб олишди: 1-ўрин — 246-мактаб (Юнусобод тумани), 2-ўрин — 166-мактаб (Ҳамза тумани), 3-ўрин — 115-мактаб (Шайхонтоҳур тумани).

Барча ғолибларни ушбу танлов ташаббускори бўлган ташкилотлар вакиллари — Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Шўхрат Абдуқодиров, бўлим бошлиғи Улуғой Каримова ҳамда шаҳар ХТББ бошлиғи Анвар Зокиров қутлашгач, Тошкент шаҳар иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Зафар Тўйчиев Фаҳрий ёрликлар, ҳомий ташкилотлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғаларни тақдим этди. Энг илғор деб топилган мактаблар жамоасига таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши томонидан дам олиш сихатгоҳига йўлланма берилди. Тошкент шаҳар иқтисодиёт бош бошқармаси ишчи гуруҳи томонидан яратилган «Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларини бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш йўли билан молиялаштириш тизимини такомиллаштириш» қўлланмасининг мактаб директорларига тарқатилиши ҳам уларни янада тадбиркорликка йўллашга хизмат қилади.

Шерали НИШОНОВ,  
«Ma'rifat» муҳбири

### Tashabbus

## Dolzarb mavzu

Кучли фуқаролик жамиятини куриш давлатимиз олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Ўз номига кўра фуқаролик жамиятида мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳаётидаги барча ислохотлари унда яшовчи халқнинг, яъни фуқароларнинг манфаатига қаратилиши ҳаётий мантиқдир.

Таъкидлаш жоизки, кучли фуқаролик жамиятини куриш жуда нозик, мураккаб, кўпқиррали жараён. У давлат сиёсати билан биргалликда ижтимоий тарбия масалаларининг маҳсули сифатида намоён бўлади. Очиғи, юрт мустақиллигидан сўнг фуқаролардан янгиҳа тафаккур, мустақил фикрлаш талаб этилмоқда. Зеро, бугунги ахборот даврида шиддат билан тараққий этиб бораётган ҳар бир ўзгариш, жаҳон миқёсидаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маданий ҳаётдаги ислохотларни, воқеа ва ҳодисаларни ҳар бир фуқаронинг англаб етиши гоёт муҳимдир. Ўз навбатида айтиш жоизки, мазкур ислохотлар, воқеа ва жараёнлар, албатта, жамият аъзолари онгига, уларнинг хулқ-атвориға, характерига таъсир ўтказмасдан қолмайди.

Ҳар бир шахс, биринчидан, жамият аъзоси, мамлакат фуқароси сифатида ижтимоий ҳаётдаги бугунги ислохотларнинг яратувчиси бўлиб, жамият субъекти ролини бажарса, иккинчидан, у ҳудди шу ислохотлар иштирокчиси, унинг амалга оширувчиси бўлиб, тескари алоқа жараёнини амалга оширади. Мазкур ислохотлар улар онгининг ўзгариб, ривожланиб боришига асос бўлган. Шу нуқтаи назардан инсон жамиятнинг объекти ҳисобланади. Ҳақиқат савол туғилади, жамият тараққий этган сари инсонлар онгида қандай ўзгаришлар рўй бермоқда? Айниқса, бугунги бозор иқтисодиёти шароитидаги баъзи қийинчиликлар ёки бўлмаса, турли мафкуравий гоёлар жамият аъзоларини бироз бўлса-да, эсанкиратиб қўймайптими? Ҳар қандай шароитда ҳам инсонлар ўзларини жамиятга керакли эканлигини, унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати жамият ривожига таъсир этишини биладиларми? Ёхуд ўзлигидан узоқлашган инсонларни жамиятга қайтариш, уларни реабилитация қилиш мумкинми? Бу каби саволларни бизга бугун ижтимоий ҳаётнинг ўзи бермоқда. Айниқса, бунда шахс ва фуқаролар манфаатларига қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилаётган бир вақтнинг ўзида ўзлигини йўқотган, жамият ижтимоий меъёрларидан чекланган, жиноятчилик, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик, турли хил ақидапарастлик иллатлари, диний экстремистик кучлар таъсирига берилиш ҳолатларини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Чунки гиёҳванд ҳам, фоҳиша ҳам, қонунбузар ҳам, жиноятчи ҳам жамият фуқароси ҳисобланади. Шу каби гуруҳларга кирувчи шахсларнинг фуқаролик бурчи, ижтимоий фаолияти, ватанпарварлик, инсонийлик каби тушунчаларни қандай идрок этишлари, қанчалик англаб етишлари, уларнинг ижтимоий фикри, ижтимоий мақоми ва ижтимоий роли ҳам педагогика фанида тўлиқ илмий ўрганилмаган муаммолардан биридир.

Педагогика фани жамият тараққийотининг сўнгги янгиликлари билан бойиб, кенгайиб бор-

моқда. Айниқса, дидактика, яъни ўқитишнинг янги усуллари ихтиро қилиш, таълимни ахборотлаштириш ва технологиялаштириш, интеграциялаш ва табақалаштириш асосида ёшларимизга жаҳон стандартлари даражасида билим беришга интилоқдамиз. Бунинг учун таълим тизими соҳасидаги хазинамиз ва чет эл мутахассислари билан тажриба алмашиш натижасида муайян ютуқларга эришилмоқда. Ёшларимиз онгида тараққийот сари интилиш, дунё ёшлари билан тенг муносабатга киришиш ва ютуқларни қўлга киритиши ижобий ҳолдир.

Аммо, педагогика — бу фақат таълим бериш дегани эмас. Педагогиканинг яна бир ажралмас қисми — бу тарбия назарияси ва методикасидир. Агар дидактика шахснинг боғчадаги, мактабдаги ҳаёти билан боринги, олий ва ўрта махсус таълим олиш ва касбий малакасини ошириш билан боғлиқ бўлса, тарбия — бу инсоннинг бутун умри билан боғлиқ жа-

лар эса шахснинг ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Бу ҳақда М. Сервантес “Ҳар қандай одамни унинг қилган ишларига қараб баҳолаш керак”, — деса, Гегель эса инсоннинг ўзи ҳатти-ҳаракатларидан ташкил топганлигини эътироф этади. Айнан ҳатти-ҳаракатлар моҳиятига қараб, у ёки бу инсонга нисбатан салбий ёки ижобий ижтимоий фикр уйғонади. Ижтимоий фикрнинг тўғри ёки нотўғрилиги эса фикрлар ва қарашлар тўқнашганда янада ойдинлашади. Баъзи ҳолларда биз ўзимиз таниган, яхши билган инсон ҳақида ташқаридан салбий ижтимоий фикрни эшитсак, ўша фикрга ишонамиз, қоламиз. Буни халқ тилида “ғийбат” сўзи билан ифодалайди. Натижада бизда ўзимиз яхши билган шахсга нисбатан салбий фикр ва эҳтиёткорлик муносабати шаклланади. Нима сабабдан биз ўша “ғийбатга” қарши туриб, ўз фикримизни, гоёмизни билдиришга ожизлик қиламиз, ижтимоий позиция-мизни сақлаб қола олмаймиз?

Педагогика ўқув юртлари “Педагогика ва психология” факультетларининг режаларига “Ижтимоий педагогика” ўқув курсининг киритилиши айна мурдадо бўлди. Ижтимоий педагогика алоҳида фан сифатида бакалавр ва магистрантлар орасида катта қизиқиш уйғотди. Улар ижтимоий ҳаётимизни кузатиш, таҳлил қилиш ва ўз фаразларини илгари суриш орқали ижтимоий педагогиканинг очилмаган қирраларини ўзлари кашф этмоқдалар. Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди, педагогика фанида етарлича “қўл урилмаган муаммо” — ёш қизларимизнинг энгил ҳаёт кечиришга интилишларининг сабаб ва натижалари у қадар чуқур таҳлил этилмаган. Шу боис яқинда бир неча ёш тадқиқотчилар айна муаммони ўрганишга ҳаракат қилишди. Бу ишларнинг амалий кўриниши сифатида улар халқ орасида БМТ лойиҳалари асо-

кунда ижтимоий педагогика ўқув курсини ходимлар малакасини ошириш институтлари ўқув режаларига киритишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. 1990 йилда Россия Давлат таълим коллегиясида “Ижтимоий педагог” штатини жорий этиш ҳақида махсус қарор қабул қилинган. 1991 йилда эса ижтимоий педагогнинг квалификация тавсифи Россия Давлат кўмитасининг махсус буйруғи асосида тасдиқланган. Унда ижтимоий педагогнинг касбий мажбуриятлари, касбий билимлари, квалификация талаблари ишлаб чиқилган. Шунга кўра ижтимоий педагог ижтимоий ахборот бериш, ижтимоий ҳуқуқий ёрдам бериш, ижтимоий реабилитацион хизмат кўрсатиш, ижтимоий-иқтисодий ёрдам бериш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-психологик ёрдам бериш, ижтимоий-педагогик ёрдам бериш каби ишларни бажариши лозимлиги кўрсатилган. Ижтимоий педагог жамият фуқароларига, айниқса, ижтимоий ҳаёт меъёрларидан чекинган, педагогик, психологик, физиологик оғиш, одоб-ахлоқ меъёрларидан оғиш ҳолатларига тушган, ногиронлар ҳамда етимларга, ижтимоий ҳаётда адашганларга, ёлғизларга, нафақадорларга, турли оқимлар таъсирга тушиб, адашганларга ёрдам кўрсатишга доир ҳуқуқий-меъёрий билимларга эга бўлиши ва халқ орасидаги, фуқароларнинг муаммоларини айнан давлат органлари даражасига олиб чиқишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Демак, нафақат ёшларни, балки бутун жамият фуқароларини вайронкор гоёлардан ҳимоя қилиш, болалар ва ўсимлар орасидаги жиноятчилик, гиёҳвандлик ва фоҳишабозлик каби салбий ҳолатларни ижтимоий педагогик нуқтаи назардан ўрганиш, реабилитация ва профилактика қилиш, оила, умуман, жамоатчилик ота-оналар учун тавсияномалар ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш каби олдин дуч келинмаган ўрганилмаган феноменларни илмий педагогик-ўрганишнинг вақти етиб келди. Шундагина биз таълим-тарбия билан ўқитувчилар ва ота-оналар шуғулланиши лозим, деган қолип ичидаги тор мазмунли ижтимоий фикрдан халос бўлиш имкониятига эга бўламиз. Ижтимоий таълим ва ижтимоий тарбия муаммоларини ҳамма жабҳаларда, таълим масканлари, ишлаб чиқариш жараёнларида, раҳбар ва ходим муносабатларида, ота-оналар ва фарзандлар муносабатларида, нотаниш инсонларнинг жамиятда ўзларини тутди билишларида, маҳалларда кўриб билишга, англаб етишга ва бефарқлик касаллигидан халос этишга ўргатиш долзарб муаммоларидан биридир. Бу эса ўз навбатида педагогика фанининг ижтимоий ҳаётнинг (сиёсий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий ва ҳ.к.) барча соҳаларига кириб боришини тақозо этади. Бу муаммолар ўз-ўзидан педагогиканинг янги йўналиши бўлган “Ижтимоий педагогика” фанининг вужудга келишига замин яради.

**Замира ҚУРБОННИЗОВА,**  
педагогика фанлари  
номзоди

# ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИКА: ИЗЛАНИШЛАР, НАТИЖАЛАР, МУАММОЛАР

раёнди. Демак, биз инсоннинг болалик, ёшлик ва қарилик даврида ҳам ўзимиз сезган ва сезмаган ҳолда тарбия элементлари билан ҳар кунги ижтимоий ҳаётимизда тўқнашамиз. Агарда таълим инсонларнинг ўқув муассасаларида ҳамда индивидуал изланишлари пировардида эгалланган билимлар мажмуи билан тавсифланса, тарбия эса шаклланган фазилатлар билан тавсифланади. Шу ўринда Р. Толланинг ахлоқий одоби паст шахс ҳеч қачон буюк инсон бўла олмаслиги, ёки бўлмаса, К. Гельвецийнинг инсонлар муайян фазилатлари билан туғилмаслигини, уларнинг умр давомида шаклланишига доир қарашларини эслаш кифоядир.

Биласиз, инсонга берилган умр ниҳоясида у дунёни тарқатар экан, ҳаёти давомида қандай инсон бўлишидан қатъи назар, бошқалар ўша инсоннинг яхши фазилатларини эслаб, хотирлаши шарқона менталитетга хос хусусиятдир. Кўча-кўйда, маҳаллада, ўқиш ва ишлаб чиқариш жараёнларида, яъни ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида инсоннинг эгаллаган фазилатлари мажмуи асосида унга нисбатан “Яхши инсон”, “Ёмон одам” каби ўз хулосаларимизни ҳам чиқариб қўйишимиз бежиз эмас.

Фазилат — бу сўзнинг замирида қанчадан-қанча маъно ётади. У инсоннинг бутун умри жараёнида ўрганган, ўзлаштирган, мослашган, ижтимоийлашган, ички руҳий олами ва қалб кўри уйғунлигида намоён бўладиган ҳаракатлар йиғиндисидир. Айнан шу ҳаракатларга қараб биз инсонларнинг салбий ва ижобий жиҳатларига тавсиф берамиз ва шу инсон ҳақидаги ўз хулосаларимизни чиқарамиз. Инсоний фазилат-

Ижтимоий ҳаётга қараб инсоний фазилатларимиз шаклланиб, ривожланиб бораверади, ўз иродамиз ила ҳатти-ҳаракатларимизни намоён этамиз. Демак, ёш авлод тарбиyasида ҳар кунги ижтимоий ҳаётимиздан таъсирлироқ, кучлироқ тарбия омиллари йўқ. Бу эса ўз навбатида ижтимоий таълим ва ижтимоий тарбия муаммоларини махсус ўрганишни талаб этади. Бу ўқув муассасаларидан ташқаридаги тарбиявий таъсирларни ўрганишга доир педагогика фанининг яна бир йўналиши — ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИКА фанининг ривожланишига, яъни жамиятни тарбиялаш, ёши кичик, ёши улуг шахсларга нисбатан тарбиявий таъсир муаммоларини илмий тадқиқ этишни талаб қилди. Ёшларимизнинг ижтимоий билим ва тушунчаларга эга бўлиши, ижтимоий билимларнинг эса кўникма ва малакаларга айланиб пировард натижа тарбиянинг маҳсулини намоён этадиган жиҳатлари бугунги кунда эътиборга лойиқ муаммодир. Чунки айнан нотўғри ижтимоий таълим, нотўғри ижтимоий ахборотлар, нотўғри ижтимоий билимлар қанчадан-қанча ёшларимизнинг диний экстремистик кучлар таъсирига берилишига, билиб-билмай қонунбузарликларга йўл қўйишига, ҳаётда адашиб кетишларига омил бўлмоқда. Тўғри, ҳозирда бундай ёшларимиз камчиликни ташкил этса ҳам бу муаммо ижтимоий ҳаётимизда кузатилаётган энг афсусланарли ҳолатлар ва ҳодисалардир.

Демак, таълим олиш асосан, махсус ўқув муассасаларида ва ташкилотларда амалга оширилса, тарбия элементлари билан эса ижтимоий ҳаётимизнинг барча нуқталарида тўқнашамиз. Шу жиҳатдан олганда, олий

сида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг натижалари билан ўртоқлашдилар. “Ишонч пункт”ларига мурожат этган фоҳишалар, гиёҳвандлар, қонунбузарларнинг ички кечинмалари, фуқаро сифатида нормал ҳаёт кечиришга интилишлари масалалари юзасидан фикр ва мулоҳазаларини ўрганишди. Олиб борилган аноним анкета саволларининг таҳлиliga кўра 80 фоиз фоҳиша ва қонунбузарлар ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, виждон азоби, ички исён таъсирида қийналишларини билдиришган.

Ижтимоий педагогдан биринчи навбатда психолог бўлиш талаб этилади. Чунки инсонлар психологиясини яхши билмасдан туриб, уларга педагогик таъсир ўтказиш мумкин эмас. Психологияни яхши эгаллаган мутахассисгина ижтимоий педагог даражасига етишиши мумкин. Маълумки, бугунги кунда маҳаллардаги милиция таянч пунктларида педагоглар фаолият юритмоқдалар. Улар “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, милиция посбонлари, маҳалла оқсоқоллари ва бошқа шу каби ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи мутахассислар билан турли хил тадбирларни олиб боришмоқда. Лекин милиция таянч пунктидаги педагоглар махсус квалификация таълимга эга бўлсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бугунги кунда педагогика институтлари ва университетларида уч йилдан буён “Ижтимоий педагогика” курси ўқитилмоқда ва ушбу курсда таҳсил олаётган талабалар олий ўқув юртларини битирган, махсус квалификация билимга эга биринчи қалдирғочлардир. Бизнингча, бугунги

Болалигим қишлоқда ўтган. Ўша пайтда шууримга бир аҳмоқона тушунча жойлашиб олган эди... Нимагадир ўқишга, ўз устимда ишлашга вақт тополмаганимданми, оиласида, атроф-муҳитида ҳамма шароитлари етарли бўлган ўқувчи ёки талаба яхши ўқийди, шундай одамдан етук мутахассис чиқади, дея ўйлайверардим. Мана, вақт ўтди. Ўқишни тамомлаб, ишляпман. Касбим тақозоси билан турли хил инсонларнинг хилма-хил ҳаёт тарзига гувоҳ бўлиб, аввалги тушунчамдан бутунлай халос бўлдим. Бу тўхтама келишимга кўп қатори яна бир инсоннинг ҳаёт йўли сабаб бўлди. Мактабгача таълим бўйича қаердаки каттаю кичик семинар бўлади-ми, анжуман, байрамлар бўладими, барчасида пойтахтимиздаги 20-илк ёшли болалар боғчаси мудираси Ирина Байсалованинг меҳнати тилга олинади, янгиликлари қадрланади. Куруқ таъриф қизиқ эмас. Кузатувга ўтаман.

## БОҒЧАГА ЖОЙЛАШ ҚИЙИН ЭМАС

Фарида Бадриддинова Назарбек даҳасида истиқомат қилади. Ирина Абишевнинг боғчасига (одамлардан 20-илк ёш гуруҳли

Абишевнинг оиласи тинч, ишлаши учун ҳамма шароитлар яратиб қўйилган, деб ўйлар эдим... Ирина опа Туркистон шахрида, ёлғиз онаси қарамоғида вояга етди. Онасига ўғил ўрнини босишга ҳаракат қилди. Ўз юртида мактабгача таълим бўйича ўрта махсус маълумот олгач, олий таълим истагида Тошкентга келди. МТМда услубчи-тарбиячи мутахассислиги бўйича Тошкент давлат педагогика институтини тамомламасданок у боғчада ишлаб, анча танилиб қолганди. Жамоаси яхши кадрни қўлдан бергиси келмай, уни юртига жўнатишмади. У эса кечаю кундуз ишлаб, онасини ҳам Тошкентга олиб келди. Мусофирчиликдаги қийинчиликлар... Шу кезде содда ва интилувчан қиз юрагига бир йигит қўл солди. У ишонди. Лекин ўғли туғилгач, турмуш ўртоғини вилоятда фарзандлари кутаётганини билиб қолди. Ва тезда йўлдошини интизор фарзандлар бағрига кузатди. Орадан ўтган ўн беш йилда у онаси ва боласи учун ўғил ва ота ўрнида бўлди. Ишини ҳам қўйиллатиб қўйди. Қарангки, тақдир унинг кенг меҳрига инонибми, собиқ эрининг аёли касаллик туфайли кўз юмгач, унинг уч нафар фарзандини ҳам бағрига солди. Шаҳодат онанинг (она-

олмади экан? Йўқ, унинг мукофотлари саноксиз. Қилган ишларининг қоғозини кўтариб югурмайди, ҳаммага кўз-кўз қилмайди. Лекин мутахассислар медали борларни танимаса ҳам, Ирина Абишевнани танишади. Хатто вилоятлардан малака оширишга келганлар бу боғчани кўрмасдан кетмайди. Гап кўпу... Хуллас, унинг одамлар берган мукофотлари бисёр.

## ҲАЁТ — ТАРБИЯЧИ

Эсимда бор. Боғчанинг 30 йиллигини қандай қилиб нишонласак экан, деб Ирина опа бош қотириб юрарди. Дастурхон ёзиб, ҳамкасбу маҳаллани чақирсакмикан? Йўқ, бу ҳам одатий тортиладиган ошлардан бири бўлиб қолади. Ниҳоят, болаларга ҳам миллий урф-одатларимиз руҳи сингсин, дея етти марта дошқозонда сумалак пиширишди. Байрамга эса 23-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини таклиф қилишди. Байрам ҳақиқий болалар дунёси билан ўтди. Ҳалигача ҳамма эслайди...

Ирина Абишевнани боғчага бориш асносида гапга тутмоқчийдим, иложи бўлмади. Чунки йўл-йўлакай дўқондан булочкалар, ширинликларни кўп-кўлаб олди. «Бу боғчагами?» дея сўрашга сўраб қўйдим-у, сўнгра

# ТАРБИЯЧИНИНГ ҚАДРИ НИМАДА?

боғча қаерда деб сўрасангиз, елка қишади. Лекин Ирина Абишевнинг боғчаси десангиз, ёшу қари кўли билан кўрсатади, азбаройи хурмати баландлигидан сизни элтиб ҳам қўяди) келгунча анча масофани босиб керак. Фарида опа боғчага келгандан буён кўшнисининг боласидаги ўзгаришларни кўриб, ҳавас қилди. У «шунчалик яхши боғча бўлса, фарзандимни жойлаш ҳам анча мушкул бўлса керак. Танишбилишимни ишга солсаммикан», дея ўйлади ва аввал бориб кўришга қарор қилди. Йўқ, ҳали боғчага етиб бормасиданок хомхаёл қилганлигини тушунди. Чунки маҳалладагилар бу боғчага болани ҳеч қандай расмиятчиликларсиз, югур-югуру яна қандайдир ҳаракатлар қилмасдан жойлаш одатлигини айтишди. Муаллиф сифатида шахсан мен ҳам Тошкент шахридаги аксарият боғчалардан фарқли ўларок, ушбу боғчага ортиқча хатти-ҳаракатларсиз болалар қабул қилинади, дея комил ишонч билан айта оламан. Хуллас, тилга олганимиз, онанинг қизалоғи бугун шу боғчада тарбияланмоқда. Йўл азоби эса сидқидилдан берилётган таълим-тарбия олдида эсдан ҳам чиқиб кетган...

## «ҚИЗИМ ЭЛНИНГ ДУОСИНИ ОЛДИ»

Ирина Байсалованинг ўғли Илҳомжон ёшлигига бориб, гоҳида онасига эътироз билдиради: «Ойижон, нега сиз ҳам бошқа ҳамкасбларингизга ўхшаб чиройли кийиниб юрмайсиз...» «Қўйсанг-чи, болажоним, булар инсон қадрини белгиламайди. Бирор йиғинда одамлар менинг уст-бошимга бир-икки дақиқа, қимматбаҳо кийим кийганларга узоғи билан ярим соат қараши мумкин. Лекин чиқишлар қилсам, ишларимни кўрсатсам, одамлар икки-уч соатлаб диққатини узолмай, янгиликлар олишга ҳаракат қилади. Шу кунларга етганимга шукр...»

Мен ҳам авваллари Ирина

си) эса кўзларида ёш қалқийди: «қизим элнинг дуосини олди...» Ҳаёт чигиринчиликдаги дамларни ёзиб адо қилиб бўлмайди. Ҳаммаси бошидан ўтказганга аён. Лекин шундай синовларда ботир бардош билан унинг бағри бутун бўлди, халққа танилди.

## МУКОФОТЛАРИ БИСЁР

Боғчадаман. Кичкинтойларни қахрамонимиз ҳатто елкаларига миндириб, машғулот ўтаяпти. Ўзи ҳам худди боладек. Боланинг кўзидагини, дилидаги уқийдигандек. Болаларнинг эркинлигини айтмайсизми? Болаларни ўз оналари шу қадар тушунишармикан?! Бу инсон ўзини мудирман, деб ҳисобламаса ҳам керак. Тўғри-да, ўзининг хонасини ҳам инглиз тили тўғраги машғулотлари учун бўшатиб бериб, китоб-дафтари хамширанинг хонасига кўчирибди. «Менга хонанинг нима кераги бор. Ижод қилиш учун жойнинг аҳамияти йўқ», дейди янги ривожлантирувчи машғулот учун кўргазмалари қуролларни ясаётган тарбиячи. (У мен мудира эмасман, мен тарбиячиман, дейди фахрланиб). Ёнидаги эндигина ўқишни тамомлаган тарбиячилар Дилдора Одилова ва Мархабо Алимовага, сиз уни қилинг-буни қилинг, дея Ирина опа пиштаяпти...

Гуруҳларни айланаман. 128 нафар бола боғчадан кўрки. Ҳаммаси илк ёш гуруҳларда. Улар билан ишлашнинг машаққатини ҳис қилинг-а? Бир хонада эса энди боғчага келаятган болалар. Уларнинг мослашув даврида ота-оналар билан мунозама маслаҳатлар олиб борилади. Чунки оналарнинг барчаси ёш. Ҳар бири билан ишлашга вақт топади. Ирина Абишевна болаларнинг ҳаммасини исми билан чақиради. Қайси бирининг қачон томоғи, қачон қулоғи, яна бирининг қорни оғриганигача биледи... Ўйлаб қоламан. Нега энди шунча ишни қилиб қўйган бу инсон шу пайтгача бирор мукофот

уялдим. Сабаби, Ирина Абишевнанинг ҳар куни боғчага бирор нарса билан кириб боришини (ҳеч бўлмаганда кир порошок билан) эшитгандим. Шундай қилиб, кеч тушиб, қайтар чоғимизда бироз сўхбатлашдик.

— Биласизми, беш йил олдин меҳрибонлик уйига ишламоқчи бўлиб бордим. Уч кун ишладим-у, бир ой касал бўлиб ётдим. Менинг меҳрим у жой учун камлик қилар экан. Чунки болаларнинг бири «менинг ойиммисиз», дея жовдирайди, яна бири «мени олиб кетасизми», дея мунгли боқайди. Уларнинг кўзларига қарашга чидай олмадим. Кўрсангиз, 30 нафар боланинг 28 нафари ўзбек миллатига мансуб. Мени доимо бир нарса қийнайди. Нимага меҳрибонлик уйлари, махсус боғчалар, мактаб-интернатлари кўпайиб кетаяпти? Бунга биз тўрт muchasi соғлар бефарқ бўлмаслигимиз лозим. Мана, қанча боғчалар бор. Болаларни эргаштириб, уларни бориб кўришимиз, меҳмонга чақиршимизда ҳақмат кўп. Айниқса, бундай болаларда меҳмонга бориш ҳиссини туйиш жуда кам бўлади. Яна қанча талабалар бор. Улар ногиронлар, меҳрибонлик уйидаги болалар билан дўстлашса, бир-бирига хат ёзишса, опа-сингил, ака-ука тутинишса, қанчалик кўнгли кўтариларди...

Шу пайт Ирина Абишевна йўл четидики машина гаражлари устига чиқиб ўйнаётган болаларни кўриб, «ҳой, болажон, ҳозир йиқилиб тушсанг, бирор жойинг латейди, ота-онангни қанча ташвишга қўясан. Тезда пастга тушиб, одобли бўлиб ўйнагин-чи», деб тарбиявий соатини бошлаб кетди. Шу ерга етганда Ирина опа «Синглим, ҳаётнинг ўзи тарбия ўчоғи» дедилар ва йўлимиз айрилди.

## ХУЛОСА

Хулосани ўзингизга қолдирдик, азиз ўқувчи!

Насиба ЭРХОНОВА,  
«Ma'rifat» муҳбири

# БОҒЧАГА БОРМАГАН БОЛА

унга бўлган  
муносабат қандай?

1975 йилдан буён боғча болалари билан биргаман. Уларни мактаб таълимига тайёрлаш ишларига, айниқса, қизиқиб келаман. Шу соҳада ишлаганим сабаб, ўзбек тилидаги ҳамма учун қулай адабиётларга кўп муҳтож бўлганман. Сўнги йилларда эса, бир қанча дастур, қўлланмалар биз педагоглар ва ота-оналар учун етказиб берилди. Биз ўз муассасамизда керакли услубий қўлланма ва адабиётларга эгамиз, дея оламан. Ишлаш учун ҳамма шароит бор. Боғчамиз 6 гуруҳга мўлжалланган. Кадрлар масаласида ҳам муҳтожлик йўқ. 12 нафар тарбиячи педагоглардан 7 нафари I ва II тоифали мутахассислар. Шунга қарамай, давомат кўнглидагидек эмас. Болаларни боғчага жалб қилиш қийин кечаяпти. Ҳамма бирдек эмас. Аксарият ота-оналар боғчага қатнаган бола билан қатнамаган боланинг фарқини яхши англаб етишган. Бобо ва бувилар

## Maktabgacha ta'lim

болалар

ҳақида «Бола ўз вақтида овқатланади, ухлайди, тўғри тизимли таълим-тарбия олади, ўртоқлари билан муомола қилишни ўрганади, тили яхши чиқиб, нутқи ўсади, уйдаги ишлар билан шуғулланишга халақит бермайди» каби қарашларга эгалар. Фақат айримлар учун тўлов бадали бироз қийинчилик туғдиради. Биз шундай оилаларга 2000 йилдан буён «Ёрдам фонди» ташкил қилганмиз. Бу ўз ишини севган, болалар учун таълим-тарбия беришни ўз манфаатидан юқори қўйган педагог ходимлар ташаббуси билан йўлга қўйилган. Ана шундай болалардан 40 нафарига ҳар ойда 1000 сўмдан ёрдам сифатида пул берилади. Бу ходимларнинг тadbirkorлик, бичиш-тикиш, ўйинчоқлар, қўлланмалар тайёрлаб сотишлари, муассаса боғида етиштирилган меваларнинг ортганини сотишдан тушган пуллар эвазига қилинапти. Лекин ота-оналар орасида «Уйда бобо ва бувиси, ака-опаси бор, қарайверади» деб боласини боғчага юбормаётганлар ҳам учрамоқда. Биз ўша уйда «қарайдигани бор» болалардан бир нечасини кузатдик.

Шерзод (болаларнинг исмлари ўзгартириб берилмоқда) тўрт ярим ёшда. Кўчада опаси ва уч ёшли синглиси билан ўйнаб юрибди. Бувиси уларни нари борса нончой ёки кечаги қолган овқат билан боқиб қўяди. Ухлатиши ҳам тайин. Иккинчи, Эркин исми бола онасига эргашиб, пахта даласига кетиб қолган. «Бу ишлар нисбатан билимсиз ота-оналар томонидан бўлгандир» дейсизми? Йўқ, аксари ёш оналар. Оиласи

ўзига тўқ. Боласини боғчага юбормаслик сабаблари эса, кишини ўйлантиради. «Дада-си маоши камроқ ишга ўтдилар». Ёки «қайнонам мен уйданман, боғчага бормай қўяверсин дедилар». Ахир оиланинг бюджети боланинг боғчага бориши билан оқсаб қолмайди-ку. Аввалги ота-оналаримиз уруш пайтларида ҳам ёш болаларини ўйин ўйнашдан, катталарини ўқишдан, хунар ўрганишдан тўхта-тиб қўймаганлар-ку.

Мен шу мавзуда боғчамиз болалари борадиган 10-гимназия мактабнинг бошланғич синф ўқитувчилари билан сўхбатлашдим. Бу ҳақда бошланғич таълим бўйича илмий бўлим мудираси Замира Худойберганова шундай деди:

— Мактабга келган болалардан тест олганимизда боғчада юрган бола 80 фоиз, уйдан келган бола эса 20-30 фоиз тўғри жавоб берди. Албатта, буларнинг сафига ота-онаси махсус тайёрлаган бо-

ла л а р  
кирмайди. Лекин у л а р

ўқишда қийналмаса ҳам муомала маданияти, ўзини тутиш, мантикий фикрлаш қабиларда фарқланади. Бир ота ўглини иқтидорли болалар синфида ўқитишимизни илтимос қилиб келди. Мен рози бўлмадим. Лекин 1-синф ўқитувчиси уни 15 кун синаб, ўқитишга рози бўлди. 15 кундан сўнг болани яна оддий синфга туширишга мажбур бўлдик. Бундан отанинг фиғони фалакка чиқди. «Менинг ўғлим иқтидорли, гаплари бутун, ақли зўр» дея мақтанди. Лекин унга ўғлининг дафтари билан бошқа ўртоғининг дафтари солиштириб, кўрсатдик. Қарайдики, икки хил манзара. У ўз-ўзидан уялиб кетди ва биздан узр сўраб, «Боламан боғчага бермаганим чакки бўлган экан» дея қилган ишидан пушаймон бўлди. Ҳозир унинг ўғли ўзи каби уйдан келган болалар билан ўқияпти.

Айни пайтда кўпчилик мавжуд муаммоларни маблағ етишмовчилигига тақайди. Лекин маблағ муаммоси ҳамма вақт ҳам бўлган. Илмфан, хунар аҳлларига ҳеч қачон осон бўлмаган. Уларнинг ота-онасига ҳам. Боғча болаларни жалб қилиш кўпроқ ота-онанинг ихтиёрий-мажбурий иштирокига боғлиқ.

Боғчамиз болаларсиз қолгани йўқ. Лекин, боғчасиз болаларни кўриб, ачинаиб кетаман. Боланинг тақдири аввало ота-она қўлида. Шундай экан, ақлли, билимдон, соғлом авлодни қай йўсинда тарбиялаш ота-онага ҳам боғлиқ бўлиб қолади.

Тургунча СУЛТОНОВА,  
Поп туманидаги  
17-мактабгача таълим  
муассасаси услубчиси

Mulohaza

Муаллим камолот тимсолига айлана олсагина, том маънода устоз дея тан олинади. Камолотга эришувнинг эса босиб ўтажак йўли, пиллаполярлари, синоатлари жуда кўп. Бу ўқитувчининг энг оддий ҳаракатларидан тортиб, кўпчиликка аён ёхуд кўз илгар-илғамас фазилатларигача ўзида жо этадики, уларни бир сўз ёки ибора билан аташ жуда мушкул.

Дарсхона — муқаддас остона. Бир соатлик сабоқ ўнлаб қалбнинг шуурига нур бўлиб таралмоғи мумкин, бир нурки қиёси йўқ. Бу нурга ташналик аксарият ҳолларда муаллимнинг шахсига бўлган эътиқод, эъзоз, ҳурмат билан уйғонади. “Фалончи ўқитувчининг дарси”га у ёки бу даражадаги муносабат ана шу қарашлар замирида шаклланади. Дарсхонага ўзини минг бора “кўзгу”га солиб кириш ўқитувчининг ўзи ва ўзгалар олдидаги қадрини белгилайди, десак хато бўлмас.

Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Сихатгоҳлардан бирида дам олаётган эдим. Ҳамроҳим “Таниқли санъаткорлардан бири келибди, борайлик” деб қистайвергач, концерт зали томон юрдик. Йўлакда кимнингдир “Вой бечора бола, энди ўзи кўшиқ айтмаса керак...” деган саросимали гапи қулоғимга чалиниб қолди. Буни қарангки, кўпчилик севган хонанда опанинг эргашиб келган ўғилчаси йиқилиб, қаттиқ жароҳат олган экан. Ҳафсаламиз пир бўлса-да, жойимизга ўтирдик. Концерт ўз вақтида бошланди. Аввал рақосалар, сўнгра бир неча хонандаларнинг чиқишларидан сўнг ораста кийиниб, ўзига маромида оро берган ўша хушовоз соҳибаси саҳнада пайдо бўлди. У нигоҳларидаги ташвишни майин иболи табассуми билан яширар. мухлисларнинг талабларини гўзал ашулалари билан адо этар эди. Концерт тугагач хонандага эргашиб саҳна ортита ўтдим. У билан танишиб, ўғилчасининг аҳволини сўраб диллашган бўлдим.

му, кўнглига қўл солмоққа уриндим.

— Мабодо журналист эмасмисиз, — деди у яна назокат билан жилмайиб. — Тўғри, мен аввало онаман. Фарзандининг танига бир хас кирса, онанинг жумлаи жаҳони куйишини яхши биласиз. Бу туйғу менга ҳам тегишли, албатта. Лекин айна пайтда мен санъаткорман ҳам. Саҳнани ниҳоятда табаррук, азиз деб биламан. Унинг шундай талаблари борки, баъзан ўзингни унутиб, ўзгаларнинг дардини аритиш учун хизмат қилишга мажбур бўласан киши. Ўғилчамни шифохонага ётқиздим у ана шу бурч билан сизларнинг хузуригизга

рингиз, эгнингиздаги либосу сочингизнинг турмакланишларигача ибрат намунаси эканлигини бир лаҳза бўлса-да, унутиб қўймадингизми?

Биз камтаринликдек хуш фазилатни ҳамиша улуғлаймиз. Ёшларимизни шу гўзал хислат соҳиби бўлишга ундаймиз. Лекин, бу аввало устоз аталмиш зотнинг шахсидан дилбандларимизнинг дунёсига сим-сим сингиб бориши ҳақида ҳар доим ҳам тўғри хулоса чиқариб, амал қиляпмизми?

Бугун савдо расталаридаги хилма-хил матолару турфа безаклари ҳар қандай кишини ром этувчи либосларни кўрган кишининг кўзи қамашади. Уларнинг ижодко-

бўлган пардоланаяптими, албатта, кўзгу олдида бориши керак. Сочларидаги тўзгинлик, эгнидаги бирор гард, ҳатто пойафзалига инган чанг ҳам ўқувчининг назаридан четда қолмайди. Бугун ручкаси, эртага китоби, индинга рўмолчаси қолиб кетадиган ўқитувчи ўзи сезиб-сезмай шогирдларининг қарши-сида обрўсизлана боради...

Бир кун ишдан қайтаётиб, таниш муаллимани учратиб қолдим. У нимадандир сархуш, бўлиб ўтган воқеани кула-кула сўзлай кетди:

— Кеча меҳмондорчиликдан роса кеч қайтган эдик. Аксига олиб бугун дарсим кўп кун. У синфга кирсам конспектим, бу синфга кирсам

нинг хаёлларини қай томонларга бошлади экан? Бу каби ярашиқсиз ҳолатлар ҳурматли эркак муаллимларда ҳам учраб туради. Бир ўқитувчини биламан, доимо нималардандир нолиб, қаерларгадир ошиқиб юради. Қўлтиғида титилиб кетган сумка. Эгнидаги кийимлари аксарият ҳолларда дазмол кўрмайди. Ҳатто соқолини олдирмай мактаб томон югургилаб кетаётганлигига ҳам тез-тез дуч келаман...

Инсоннинг ўзига бу тахлит эътиборсизлиги камтаринликка асло кирмайди. Аксинча кўполроқ ўхшатиш бўлса-да, бу муносабатларни фаросатсизлик деб атагим келлади. Биз ўқувчиларимиздан мактаб формалари кийишни талаб қиламиз. Тўғри-да, қандай ярашиқлик либос. Лекин ўқитувчининг мактаб аталмиш табаррук гўшага қандай хоҳласа, шундай кийиниб келавериши бу ярашиқликка муносибмикан? Тўй-ҳашам, маърақаю меҳмондорчиликлар ўз йўлига. Лекин илму урфон ошиёнининг либоси ўзига хос ва мос бўлиши керак. Наҳотки, ортиқча безакларсиз, бир хил рангли матолардан сипо ва қулай либослар тиктириб кийиш мумкин эмас? Бу оддий гўзаллик дарсининг сифат ва самарадорлигига, қолаверса ўқувчиларнинг маънавий қарашларига ижобий таъсирини ўтказиши, шаксиз.

“Муаллим камолот ичра кўзгудир” дея ҳазрати мураббийларга таъриф берган эди қаҳрамон шоиримиз. Биз ўқитувчилар аҳлини ана шу бетакрор таърифга ҳамиша ҳар жиҳатдан лойиқ кўрмоқ истаймиз. Қаламга олиб ҳукмингизга ҳавола этган мулоҳазаларимиз ана шу орзумандлигимизнинг изҳоридир. Ўқитувчи маданияти кийинишга ҳам боғлиқми? Сиз нима дейсиз, муҳтарам мухлис?!

Ойбуви ОЧИЛОВА,  
“Ma'rifat” мухбири

# ЎҚИТУВЧИ МАДАНИЯТИ: У КИЙИНИШГА ҲАМ БОҒЛИҚ

ошиқдим. Энди тун бўйи болажонимнинг олдида қолсам керак...

Мен бу воқеани эслаш билан хонанданинг ҳаракатларини у ёки бу жиҳатдан баҳоламоқчи эмасман. Фақат унинг ўзини эл аро ардоқли қилган саҳнага бу қадар ҳурмат билан муносабатда бўлганлигини эътироф этмоқчиман, холос.

Ўқитувчини ҳазрати устоз дея тан олдирадиган эса, ўша оддийгина, лекин кишини ўзига хос салобати босадиган дарсхонадир. Шундай экан, синф томон йўл олаётган муаллим, ҳар гал ўзингизнинг ҳозирлигингизни имтиҳон қиляпсизми? Бу ҳозирликларнинг талаблари ниҳоятда нозик, айна пайтда масъулиятли эканлигини англай олаяпсизми? Сизнинг феълу атворингиз, хатти-ҳаракатингиз, имо-ишорала-

рига дилингиздан таҳсин ўқийсиз. Лекин улар дарсхона бопмикан? Афсуски баъзи муаллимларимиз ҳеч ўйламай мактабга ана шундай кийимларда кириб боришмоқда. Боз устига қатор-қатор қимматбаҳо тақинчоқларини ялтиратиб, “маромида ҳар ўтдим” дея синфдан ҳеч хавотирсиз чиқиб кетадиганлар ҳам кам эмас.

— 3-4 курсларда талабаларимизга “Ўқиш методикаси”, “Педагогика амалиёти” курслари ўтилади, - дейди Навоий педагогика институтининг “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” кафедраси ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди Муҳаббат Йўлдошева. — Бу жараёнда бўлажак педагогларимизга синфда ўзини тутиш, кийиш маданияти, ҳатто ўз ўрнида қилиниши лозим

йўқлама дафтарим йўқ. Эрталаб шошганимдан оёғимга уйга киядиган шиппагимни илиб мактабга югурибман. Иккинчи соатга кирсам ўқувчилар пиқ-пиқ кулишади. Сўнгра билибман денг. Узлуксиз дарс. Олти соатни шу тарзда ўтказишга мажбур бўлдим...

Унинг хижолатлиги ҳеч сезилмас, қойилмақом иш бўлгандек қаҳ-қаҳ отарди холос. Мен эса яширинча унинг анча титилиб кетган шиппагига кўз югуртириб ўйга толаман: олти соатлик сабоқ, юздан ортиқ ўқувчи унинг шу ҳолатига дуч келган. Маданиятнинг камтарона тимсоли бўлмоғи жоиз бўлган муаллим бугун ўзининг бу улуғвор “унвони”нинг неча бўлагини йўқотди экан? Ўқитувчининг гоҳ кулгули, гоҳ аянчли бўлиб туюлган бу кўриниши ўқувчилар-



Бухоро вилояти Олот тумани олимпия спорт мактаби кимё фани ўқитувчиси Жамила Туроновага 8-синфларга кимё фанидан мустақил дарс ўтмоқда.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

## КОЛЛЕЖДА «ЕВРОПА КЎМАГИ»

“...Европа Иттифоқи ташкилоти билан ҳамкорликда иш олиб бораётган Фузор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида “Европа кўмаги” деб номланувчи бир қатор лойиҳалар асосида ибратли ишлар амалга ошириляпти”.

Бу хушxabар бизни Фузор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежига етақлади.

— Европа Иттифоқи ташкилоти билан ҳамкорлик қила бошлаганимизга ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ, — дейди Фузор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи директори Жонимқул Мирзаев. — Бироқ, “Ўзбекистонда бандлик имкониятларини ривожлантириш” лойиҳаси асосида 30 нафар ўқитувчиларимизнинг малакаларини ошириб, қайта тайёрляпмиз. Улар ноанъанавий усулларда ўқитиш методикасини ўрганаётдилар...

Сўраб-суриштирдик. “Европа кўмаги” лойиҳаси асосида муаллимлар дарслар, ўқув машғулотлар жараёнига ноанъанавий усулларни олиб кириш борасида жаҳон педагогикасининг илғор услубларини ўрганишляпти. Тингловчилар ўша илғор услуб асосида дарс ўтиш билан бирга миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни ўқувчилар

онгига сингдириш масаласига эътибор қаратаётдилар.


— Европа Иттифоқи ташкилотининг кўмаги билан Фузор қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи қошида “Ўрта ва кичик бизнес бўйича ишбилармонларни қайта тайёрлаш ҳамда маслаҳат маркази” деб аталувчи марказ ташкил этдик, — дейди Фузор тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси Ботир Тўраев. — Кейинчалик коллежларимиз қошида бошқабошқа йўналишлар бўйича марказлар ташкил этиб ўқувлар ташкил этиш режамиз бор...

Коллеж қошида ташкил этилган Европа Иттифоқининг “Ўзбекистонда қишлоқ иқтисодиётини ривожлантириш” лойиҳаси асосида фаолият кўрсатётган курсда ҳам кўплаб талаба-ю фермерлар, иқтисодчилар таҳсил олишмоқда. Улар қишлоқ иқтисодиётини ривожлантириш борасида БМТнинг тараққиёт Дастуридан ўрин олган, Брайн Морган раҳбарлигида ишлаб чиқилган махсус лойиҳа асосида қайта тайёргарликдан ўтаётдилар.

Абдували ОБИДДИНОВ,  
“Ma'rifat”нинг махсус мухбири

Маҳмуд ибн Абулқосим аз-Замахшарий ўзининг "Нозик иборалар" номли рисоласида: "Шариф инсон шундай кишики, йўқлигида уни соғинишади, мабодо келиб даврага кўшилса барча бирдан хушёр тортади", деб ёзади. Мен бу иборани бежиз келтирганим йўқ. Орамизда шундай самимий, оддий ва шу билан бирга, шариф инсонлар борки, уларни бирмунча вақт кўрмасанг ич-ичингдан соғинасан, суҳбатини кумсайсан, қалбинг негадир ҳар сафар шу одамга қараб талпинаверади. Ана шундай замондошларимиздан бири муҳтарам устоз, фидойи олим, мўътабар зот Нажмиддин Комиловдир.

Домлада уни кўпчиликдан ажратиб турадиган бир ноёб хислат мавжуд: бу инсон барчага бир хилда муносабатда бўлади, гапингизни охиригача одоб билан, сукут сақлаб эшитади. Қалбингизда кечаётган жараёнларни илғай олади. Шу



ғоялари билан йўғирилган бундай асарлар ҳамisha меҳр-оқибатни кўзлаган, тинчликсевар халқимиз учун бениҳоя аҳамият касб этади.

Айтиш лозимки, Нажмиддин ака ҳаётда ҳам шундай пок ниятли, босиқ, камсуқум ва хокисор инсон. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, бир куни у кишини зиёрат қилгани бордим. Ўтириб анча суҳбатлашдик. Гап, асосан, ислом маърифати, эътиқод, инсоннинг ички дунёси, унинг бу ёруғ оламдаги ўрни, умуман, меҳр-оқибат ҳақида боради. Суҳбат асносида домла: киши қачонки, аввало, виждони олдида пок бўлса, қилаётган барча нияти, бажараётган иши таъмасиз бўлса, айтган сўзига оғишмай амал қилса, шунча-

## E'tirof

# "БИЗНИНГ ЕТАКЧИМИЗ"

...Уни болалар "вожатий" деб аташарди. Дастан рус тилини билмаганлигим боис "вожатий" сўзининг маъносини болалардан сўраб билганимда ҳайрон қолган эдим. Чунки бу сўз "ёшлар етакчиси", "ёшлар мураббийси" дегани экан-да. У эса ҳали ёш, бўйи пастгина, чаққонгина йигитча эди.


Бу, ўтган асрнинг 80-йиллари аввалида Меҳрибонлик уйдаги оддий бир тарбиячи ҳақидаги кичик ҳикоя.

Саид Нажмиддинов 1958 йил 23 январда Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани марказида туғилди. 1965-1975 йилларда 1-мактабда ўқиди. Мактабда бошқа фанлар билан биргаликда рус тили ва адабиёти фанини чуқур ўзлаштирди. Шу боис, мактабни битириб, 1975 йилда Саратов шаҳридаги педагогика институтига ўқишга киришга муваффақ бўлди. У институтда яхши ўқиди.

1980 йилда олий маълумотли рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ўзининг педагогик фаолиятини Бойсун туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабда бошлади. Кейинчалик Бойсун шаҳридаги юқорида биз тилга олиб ўтган, 12-Меҳрибонлик уйига тарбиячи бўлиб ишга келди.

Баланд деворлар билан ўралган кенг ва катта ҳовлида икки қаватли бинолар кўп бўлиб, уларда болалар уйи, ётоқхона, спорт зали, клуб, ошхона, шунингдек қаровчисиз қолган болалар ҳамда маҳаллий ёшлар ўқийдиган 25-мактаб (аввалги 52-мактаб) жойлашган эди.

Ёш мутахассис С.Нажмиддиновнинг интилишлари, қобилияти, педагогик истеъдоди биринчи кунларданок кўзга ташланди. Шунинг учун у бир вақтнинг ўзида ҳам тарбия-



чи, ҳам ўқитувчилик қила бошлади. Бу ерда ўқийдиган ва тарбияланадиган болалар турли миллатга мансуб бўлганиги, иш юритиш асосан рус тилида олиб борилиши сабаб рус тили ва адабиёти фани мутахассисларига талаб юқори эди. Меҳнат фаолияти давомида изланувчан ва меҳрибон устоз, қанчадан-қанча тарбияси оғир болаларни тўғри йўлга бошлади, кўплаб шогирдларни тарбиялаб вояга етказди.

Ҳар йили барча тарбиячилар қаторида Саид акани ҳам шогирдлари йўқлаб келишади. Улар "сиз ҳамон бизнинг етакчимизсиз" дея устозни ардоқлайдилар.

Ҳа, ўз умрини, ҳаётини, билим ва тафаккурини эл-юртга, унинг фарзандлари камолотига бағишланган азиз инсон, заҳматкаш мураббий Саид Нажмиддиновнинг меҳнатларини ана шу эл-юрт, ҳукуматимиз ҳам ардоқлади. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра кўпгина юртдошларимиз қатори С.Нажмиддинов "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Бу заҳматли ва самарали меҳнатнинг чинакам ардоқланиши бўлди.

**Кўшон АБДУЛЛАЕВ,**  
журналист

# КОМИЛЛИККА ИНТИЛИБ ЯШАЙДИ ИНСОН...

боис бўлса керак, домланинг "Комил инсон – миллат келажиги", "Тасаввуф", "Фақир нури порлаган қалб", "Тафаккур қарвонлари" каби китобларида ва кўплаб илмий-фалсафий мақолаларида ҳам асосан инсон ва унинг ботинидаги туйғулари билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин тутди. Умуман, инсон асл моҳиятига кўра, бунёдкор, эзгуликка интилувчи буюк бир мавжудот эканлиги, бошқаларга, халқига, миллатига манфаати тегиши учун яратилгани, бунинг учун у ҳамisha комилликка интилиши лозимлиги Нажмиддин ака Комилов асарларининг ҳар сатрида алоҳида таъкидланади. Ваҳоланки, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳам ўз вақтида: "Оллоҳ ўзининг суюкли бандаларига бошқаларнинг ишини тушириб кўяди", дея марҳамат қилганлар.

Бугун ер ўзининг кўпчилик жойларида инсон қиёфасидаги айрим кимсалар томонидан содир этилаётган кўз кўриб, қулоқ эшитмаган хунрезликлар, ваҳшийликлар, покиза ислом динимизни ниқоб қилиб кўпуровчилик, террорчилик билан шуғулланаётган манкурт шахслар қилмишларига нисбатан эзгулик

лик унинг бошқаларга манфаати тегиб, комилликка интилиб бораверади. Комил киши эса миллат, умуман, инсонлар кўзгусидир, дедилар. Бундай оддий, лекин дилдан айтилган икки оғиз сўз маърифат аҳли учун ҳам катта сабоқ эди.

Дарҳақиқат, дунёда инсонга ато этилган неъматлар беҳисоб. Бироқ улар орасида шундай бир неъмат борки, у ҳам бўлса, бир умр пок иймон, эътиқод билан қаноат ва сабрда, бошқаларга зиё, эзгуликлар улашиб, комилликка интилиб яшаш бахтидир. Нажмиддин ака Комилов ана шундай инсонлардан ҳисобланади.

Мен бу Шариф инсонга Оллоҳдан мустаҳкам соғлиқ, қалбида осойишталик, нажот ва нурни ўзида акс эттирган покиза қалами, улғувор ижодий ишларига сабот ва ғайрат тилайман. Халқимиз, юртимиз равнақи йўлида қилаётган эзгу ишларингиз ҳамisha бардавом бўлсин, деб қоламан.

**Аббосхон МАҲМУДОВ,**  
нафақадаги ўқитувчи

Яккабоғ тумани

# ЛАНДШАФТШУНОС ОЛИМ

*Fanimiz fidoyilari*

Самарқанд давлат университетиде қадимдан шаклланган ва илдишлари машҳур Улғубек мадрасасига (1420) бориб туташувчи илмий мактабларнинг шухрати узоқ-узоқларга ёйилган. Ана шундай мактаблардан энг кенжаси ва илмий салоҳиятлиси — «Табиий география, ландшафтшунослик» масалалари билан шуғулланувчи мактабдир. Энг заҳматкаш, фидойи олимлардан бири Али Абдулқосимов умрининг қарийб элли йилини ландшафтшуносликнинг қатор илмий назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқишга бағишлади.

Али Абдулқосимовнинг олиб борган илмий тадқиқотларида Ўрта Осиё йирик тоғ оралиғи ботик ландшафтларининг зонал, регионал ва вертикал дифференцияланиши, турли ўзгаришлар оқибатида антропоген ландшафтларнинг ҳосил бўлишининг назарий масалалари очиб берилди. У Ўрта Осиё тоғ оралиғи ботиклари ландшафтларини ўргана бориб, ундаги рельеф шакллари вертикал дифференцияланишини исботлаб берди. Бу ҳолат ландшафтлардаги ўзгаришларнинг мутлақ ва нисбий баланд-

ликларда вертикал табақаланиши сифатида ўз аксини топади.

А.Абдулқосимовнинг изланишлари серқирра. Олим тоғ оралиғи ботикларида ландшафт зоналари спектри вертикал ўзгаришини уларнинг куйи қисми учун хос бўлган учта зонал баландлик ботикларига қараб камайиб боришини аниқлаб берди.

А.Абдулқосимовнинг «Ҳозирги ландшафтларнинг шаклланишида антропоген омилнинг роли», «Ўрта Осиё антропоген ландшафтларини таснифлаш масалалари» ва «Ўрта Осиё воҳа ландшафтлари ва уларнинг морфологик структураси», «Воҳа ландшафтларининг структураси ва карталаштириш тўғрисида» каби илмий-назарий мақолалари, Самарқанд, Каттакўрғон, Андижон, Қўқон, Денов ва Хоразм воҳалари бўйича тузган йирик



масштабли ландшафт-типологик карталари катта аҳамиятга эгадир.

Устознинг Ўзбекистон мустақиллиги давридаги илмий тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лозим. Б-синф ўқувчилари профессор А. Абдулқосимов томонидан ёзилган «Материклар ва океанлар табиий географияси» ўқув қўлланмаси ва дарслигини алоҳида эътибор билан ўқимокдалар. Ўқув қўлланмаси нашрдан чиққач, у қатор мунозараларга сабаб бўлди. Ҳатто, мактаб ўқитувчилари орасида ҳам ушбу қўлланма ниланди. Шунинг учун у бир вақтнинг ўзида ҳам тарбия-

флари мавжудлиги ҳаммамизга аён. Қолаверса, ўқувчи ўзи яшаётган муҳит ва даврнинг муаммоларини теран англасанина, уларни ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Илмий изланиш ва тадқиқотларнинг охири йўқлиги, улар ҳеч қандай табиий ёки сиёсий-маъмурий чегара танламаслиги Али аканинг ҳаётини ва илмий фаолиятида ўз исботини топди: у киши раҳбарлигида олиб борилган илмий йўналишлар ўз самарасини бериб, 1995 йилдан буён СамДУ географлари Бельгия, Италия, Испания, Франция давлатларининг илмий тадқиқот институтлари билан халқаро алоқалар ўрнатиб, илмий экспедициялар ташкил қилинди. Натижада, факультет ходимларининг кўпчилиги халқаро сертификат соҳибларидир. Ҳозирда факультет қошида замонавий компьютерлар билан жиҳозланган «Урбалайф» халқаро илмий тадқиқот маркази (лаборатория) ишлаб турибди.

**Субхон АББОСОВ,**  
СамДУ доценти

Маълумки, шу йилнинг 25 август куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтган, унда давлатимиз раҳбари жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт мураббийларини тайёрлаш масаласига атрофлича тўхталган эди. Шунингдек, бунга дахлдор олий таълим муассасалари тизimini тартибга солиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Биз Наманган давлат университетиде бўлиб, ушбу саволга жавоб изладик.

— Икки йил аввал университетимизнинг "Жисмоний тарбия" факультетига талабаларни қабул қилиш учун қўшимча ўринлар ажратилди. Қолаверса, факультетда аввалдан мавжуд бўлган "Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият" йўналиши бўйича, "Педагогика" факультетимизда "Бошланғич таълим ва спорт ишлари" йўналиши бўйича махсус сиртки бўлимлар очилди, — дейди

университет ректори, Олий Мажлис депутати Турсунбой Файзуллаев.

Дарҳақиқат, сўнгги икки йил давомида "Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият" йўналишининг кундузги бўлимига талабаларни қабул қилиш 15 нафарга кўпайган. Бу йўналишда талаба-

эканлигидан далолатдир.

Сир эмаски, ҳар йили факультетга ҳужжат топшираётган абитуриентларнинг аксарияти вилоятдаги футбол ва спорт мактабларининг битирувчилари-

лан таъминланди. 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб эса, факультетда магистратурага, "Ўзбек кураши" мутахассислиги бўйича бакалавриятта талабаларни қабул қилиш режалаштирилган. Университет қошидаги "Талаба" спорт уюшмасида спортнинг барча турлари билан шуғулланиш имконияти бор.

Яқинда Самарқандда бўлиб ўтган "Универсиада — 2004" мусобақалари жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун тайёрланаётган кадрлар сифатини яна бир бор баҳолаб берди. Бойси, универсиадада фахрли учинчи ўринни эгаллаган 166 кишилик вилоят жамоаси аъзоларининг 64 фоизи НамДУ талабаларидир. Шундан 105 нафари жисмоний тарбия факультетига таъсил олишади. Улар Самарқанддаги талабалари учун Президент совғаси — "ДАМАС" автомашинаси билан тақдирландилар.

Хуршид СУЛТОНОВ

Farmon va ijro

НУФУЗИ  
ОРТАЁТГАН  
МАСКАН

Анджон муҳандислик-иқтисодий институти талабалари иқтисодий мутахассисликлар бўйича таъсил олаётган талабаларнинг бу йилги республика кўрик-танловида фаол қатнашиб, кучли ўнликка киришга муваффақ бўлдилар.

Дарҳақиқат, 113 нафар тенгдошлари орасида вилоят вакиллари пухта би-

Англиянинг Лидс университети, Германиянинг Гёте ва Санкт-Петербургдаги Плекханов институтлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айни вақтда институт педагогик жамоаси ва талабалари олий таълим соҳасида фаолият кўрсатувчи халқаро ташкилотларнинг ўқув-тажриба алмашинув дастурларида иштирок этиш-

Oliy o'quv yurtlarida

лим соҳиблари эканликларини намойиш этдилар. Бу натижанинг ортида институт кўп сонли профессор-ўқитувчиларининг меҳнатлари бор, албатта. Бугунги кунда АнДМИИга 10 та йўналиш бўйича 36 нафар магистрант қабул қилинган.

Унинг моддий-техника базаси мунтазам мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳисоблаш марказида 200 дан зиёд замонавий компьютер бўлиб, интернет тармоғига уланган. Видеоконференция зали мавжуд. Унинг ёрдамида мамлакатимиздаги бошқа ўқув муассасалари билан беvosита мулоқот ўрнатиш имкони яратилган.

Институтнинг халқаро алоқалари ҳам жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Жумладан,

жумладан, 2-курс талабаси Камолитдин Рустамов IPEX танловида муваффақиятли иштирок этиб, АҚШда таъсил олапти. Профессор-ўқитувчилардан 4 нафари "Истеъдод" жамғармаси грантлари соҳиби бўлди. Тиллар кафедраси ассистенти Аҳадилло Юнусов Англияда малака ошириб қайтди. 10 нафар талаба Тошкент шаҳрида тадбиркорлик йўналиши бўйича ўтказилган бир ҳафталик семинарда билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашди.

Хуллас, бу институт Фарғона водийси молия тизимига юқори малакали мутахассислар етказиб берувчи нуфузли олий ўқув юрти мақомини муносиб оқлаб келмоқда.

О.СИДДИҚОВ

МАҲАЛЛА  
БОЛАЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТ  
СПОРТ  
ИНШООТЛАРИДА

ларга спортнинг 17 тури бўйича билимлар берилди. Ҳозир факультетда 748 нафар талаба таъсил олмақда. Факультетнинг спорт иншоотларида шаҳар маҳаллаларининг болалари ҳам шуғулланаяпти. Бу университетнинг болалар спортини ривожлантиришга бўлган эътибори юқори

дир. Университет маъмурияти тайёрланаётган кадрлар сифатини ошириш мақсадида ана шу мактаблар билан услубий ҳамкорлик қилиш бўйича шартномаларни ҳам имзолаган. Янги ўқув йили арафасида факультет волейбол, баскетбол, гандбол тўплари ҳамда кийимлари би-

МУСТАҚИЛ  
ЎЗЛАШТИРИШДА  
КОНСТРУКТИВЛИК

Маълумки, замонавий педагогик технологиялар таълим берувчи ва олувчиларни фаоллаштиради. Бу ўз ўрнида ўқитувчининг юксак педагогик маҳорат билан таълим жараёнига янгича ёндашувини талаб этади. Ўқитувчи ўз соҳасини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур билиши, фаннинг талабалар ўқув ва ҳаётий тажрибаси билан қандай боғлиқлиги, уларнинг шахсий истак ва мақсадларига эътибор бериши зарур бўлади. Бу йўналиш талабаларнинг ўқиш, ўрганиш, билим олиш жараёнида маълумотларни фаол қабул қилишига ёрдам беради. Дарсларни тренинг шаклида олиб бориш ҳар бир тингловчининг фаол иштирокчига айлантиради. Талабанинг мустақил фикр юритиши кўйилган муаммо ечимини излаш, ижодий фикрлаш, вазиятдан зукколик билан чиқиши учун машқ қилиши кўникмасини ҳосил қилади. Айниқса, машғулотлар самарадорлигини оширишда хорижий таълим тажрибалари, компьютер технологияларидан фойдаланиш тегишли фан асосларини чуқур эгаллашга замин яратиши мумкин.

Дарс беришнинг энг яхши усуллари билан бири баҳс-мунозаралардир. Бунда талабалар эркин, фаол фикр алмашиш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, ҳар бир дарснинг маъно-моҳияти юзасидан чуқур фикр алмашиш ва машғулотнинг қизиқарли ўтказилишига эришиш мумкин. Энг муҳими, талаба эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакани амалиётда қандай ишлата олишини англаб етати. Демак, дарс жараёнида талабанинг мунозараларга киришиб, мушоҳада юритиши, саволларга ўйлаб жавоб бериши учун кўпроқ вақт ва имконият бериш керак. Мустақил фикр юритиш орқали мавзу моҳиятини ҳаётга татбиқ этишга эришиш учун ўз-ўзига берилган бир қанча саволлардан фойдаланишни тавсия этиш мумкин.

— Ушбу мавзу бўйича мен нималарни билиб олдим?



— Мавзу мени нималарни ўйлаш, фикрлашга мажбур этади?  
— Менинг мавзу ҳақидаги фикр-ўйларим қандай?  
— Шу бугун ўрганганларимни ҳаётга татбиқ этиш мумкинми?  
— Ўрганган материаллар ҳақида саволлар тузиб, мулоҳазалар билдира оламанми?  
— Ўрганган билимларни жонли мисолларда тушунтира оламанми?

Sinab ko'ring

— Мавзуга доир билим, маълумотларнинг қандай қўлланишини биламанми?  
— Ўтилган дарслардан қандай хулосалар чиқардим?  
— Мавзуга доир билишим зарур бўлган қандай фактлар, қоидалар тўпламининг мавжудлигини аниқладим?  
— Мавзуга доир материаллар, китоб, маъруза матнларини қаердан ва қандай топиш мумкин?  
— Мавзуга доир муаммолар мавжудми ва улар ечилганми? Улар қандай муаммолар? Ҳал қилишнинг қандай асосий усуллари мавжуд?  
Талабалар кўпроқ маслаҳатлар, аниқ кўрсатмалар орқали ижодий фикрлаш, ўйлаш, мушоҳада қилишга ўрганадилар. Бу борада дастлабки тайёргарлик ишларини кучайтиришга тўғри келади. Ҳар бир мавзуга доир материаллар учун кузатиш ашёларини танлашга жиддий эътибор берилди.

Талабалар ўқув машғулотларини мустақил ўзлаштиришнинг энг қулай йўллари:

- 1. Кузатиш — маълумотлар йиғиш.
- 2. Мушоҳада — мужассамлаштириш, умумлаштириш.
- 3. Таҳриба — умумлашган фикрларни текшириш.



Бу схемадан фойдаланиш қийин эмас, у ҳар бир ўқувчига таниш. Шундай қилинганда талабаларнинг ўқув материалини ўзлаштиришида муваффақиятларга эришиш мумкин.

Ойсоат ХУДОЁРОВА,  
Солиқ академияси ижтимоий-гуманитар фанлари кафедраси ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди

# ШУАРО ТЎҒРИМИ ЁКИ ШУАРОЛАР?

Устоз Айюб Фуломов ўзбек тилшунослиги ривожига ўзининг илмий асарлари, педагогик фаолияти билан муносиб ҳисса қўшган атоқли олим, мохир педагоглардан биридир.

Олим ўзбек тилшунослигининг турли соҳаларини илмий-назарий кузатар экан, ҳар бир товуш ўзгариши, сўз, гап қурилмаларининг яратилиш тарихига, матннинг мазмун ва шакл бирлигига, шунингдек, ўзга тиллардан ўзлаштирилиб қўлланаётган сўз ва қўшимчаларнинг ўринли ишлатилиши масаласига қизиқиб қарайди. Бу борада синчков олимнинг биргина «Ўзбек тилида кўплик категорияси» номли илмий рисоласи фикримизнинг далилидир. Ушбу илмий асар кўплик категорияси таҳлиliga бағишланган бўлиб, тўққиз қисмни ўз ичига қамраб олган. Тадқиқотчи кўплик категориясини махсус кузатар экан, асосий эътиборни отларда, қисман кишилик олмошида, шунингдек, феъллардаги кўплик ҳолат отларнинг сонига қараб мослаштириш масаласига қаратади. Рисоланинг яна бир бўлимида бир қатор сўзларда жамлик идеяси борлиги кузатилса, бошқа ўринда отлардаги кўплик маъносининг ягона грамматик белгиси-**лар** эканлиги тарихан давр адабий манбалари асосида ўринли тадқиқ этилган. Ушбу қисмда **-лар** суффикси қадимдан урхун ёзуви битикарида ҳам фаол қўлланганлиги мисоллар билан асослан-

## ёхуд кўплик қўшимчалари хусусида

ган. Профессор Айюб Фуломов бир қатор асословчи манбаларга мурожаат қилиб кўплик **-лар** даги **р**нинг қадимги кўплик кўрсаткичи **-з** эканлигига ҳам ишора қилади. Муаллиф кўплик категориясига бағишланган ушбу илмий рисоласида отлардаги кўплик **-лар**нинг ўзбек шеваларида турли кўринишларда қўлланганлигини бир неча қисмларга ажратиб илмий таҳлил этган. Баъзи шеваларда **-р** тушиб **-ла** шаклида ҳам келиши кузатилади. Масалан, Тошкент шеvasида **сиз** олмошига **-лар** қўшилган, **Ман си(з)ла(р)никига бораман** каби **з-р-**нинг тушиб қолиши кузатилган. Олим ўзбек тилида бирлик ва кўплик тушунчасини махсус тадқиқ этар экан, унинг қадимги туркий тил даврида ўзига хос жиҳатларига тўхталиши билан бирга ўзбек тилига эски туркий, эски ўзбек тили давридан кириб келган арабча, форсча кўплик формалари ҳам учрашини алоҳида таъкидлайди. Олим араб, форс тилларидан ўтган кўплик формали сўзларнинг бошқа тилга, аниқроғи ўзбек тилига ўтишида ўша тил қонуниятининг сақланиши тарафдори бўлган. Аслида арабча, форсча кўплик формали сўзларнинг аксарият қўлланиши ўз даврида диний олимлар нутқида фаоллашган. Ўзбек тилида арабча, форсча

сўзлар мазмунан зиёлиларга таниш. Шунинг учун уларнинг бирлик ва кўплик формада эканлиги аён, аммо бу сўзлар оддий халқ нутқида ҳам фаол қўлланда, мазмун-моҳиятан тўлиқ сингмаган. Шунинг учун омма нутқида бир қатор арабча, форсча кўплик формали сўзларга яна **-лар** қўшиб қўллаш одат тусига кириб қолган. Масалан, **рубий-рубийёт-руб-**

### Xotira

**иётлар. Хабар-ахбор-ахборот-ахборотлар, олим-уламо-уламолар, нобий-анбий-анбийлар** каби. Келтирилган мисолларнинг кўплик формасида **-лар** суффикси ортиқчадир. Аслида **анбий**нинг ўзи **набилар (пайгамбарлар), шуаро-шоирлар, ашъор-шеърлар** мазмунини англатади. Ушбу кўплик формали арабча сўзларга яна кўплик қўшимча-**лар** ни қўшишнинг ҳожати йўқлиги таъкидланади. Устоз Айюб Фуломов кўплик формали арабча сўзларнинг **-лар** билан бирга қўлланиши масаласига ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ ўта зуққолик билан ёндашиб, ўзбек адабий тилида бундай ҳолатларни бартараф этишга ҳаракат қилган. Ҳақиқатан ҳам четдан кирган кўплик формали сўзлар

ҳозир ҳам бузилган ҳолатда оғзаки ва ёзма нутқимизда (айниқса, матбуот, радио, телевидениеда) қўлланишда давом этаётгани сир эмас. Масалан, **ахборот-ахборотлар, фуқаро-фуқаролар, атроф-атрофлар, халойиқ-халойиқлар, ҳайвонот-ҳайвонотлар, кутубхона-кутубхоналар** каби. Арабча кўплик формали сўзлардаги **-лар** суффикси оғзаки ва ёзма нутқимизда ҳамон ортиқча ишлатилаётир.

Тадқиқотчи таъкидлаганидек, арабча кўплик формали сўзларга нисбатан форсча кўпликни ифодаловчи сўзлар кам ўзлашган. Форсча кўплик асосан **-он** қўшимчаси билан бирга ишлатилган. Масалан, **Сипоҳон** (аскарлар), **мардон** (эрлар), **хукмдорон** (хукмдорлар), **касон** (кишилар) **каби**. Шу ўринда олим бир нозик ҳолатга эътиборни тортади. «Форсча **-он(лар)** қўшимчасининг қадимги туркий битикларда **ўғлон (фарзанд), эрон (мард)** каби сўзларда учраши, улардаги **-он** қўшимчаси ҳақиқатан форсча кўпликми ёки туркий сўз ўзаги билан бирга тўлиқ бирлик формали сўзларми» деган мунозарали масала ўртага ташланади. Тадқиқотчи **-он** қўшилган бир неча туркий, форсий сўзларни мисол тариқасида келтириб, ўша сўз ва қўшимча тарихини очишга ури-

нади, луғатларга мурожаат қилади. Маҳмуд Қошғарий, Шайх Сулаймон ҳамда Радлов, Будагов, Вамбери, Мелиоранскийлар тузган луғатларда **-он** аксарият ҳолларда туркий адабий манбаларда кўпликни англатмаганлиги, сўз, ўзақ ва қўшимча тўлиқ бирлик маъно ифода этиши аён бўлади. Ҳатто, форсий матнларда ҳам, масалан, Амир Хусравнинг «Панж Ганж» асарига **ўғлон** сўзи кўплик **ўғлонон** тарзида ишлатилгани мисол тариқасида келтирилади. Хуллас, **-он** қўшимчаси форсий кўпликни ифодалаш билан бирга баъзи ҳолларда бирлик маъносига ишлатилиши исботланган.

Хуллас, забардаст тилшунос олимнинг тўққиз бобдан иборат, «Ўзбек тилида кўплик категорияси» номли рисоласида кўплик ва жамликни ифодаловчи сўз ва қўшимчалар тарихи, туркий, жумладан, эски ўзбек тили давридан бошлаб ҳозиргача кўплик формасининг морфологик, синтактик ва лексик ифодаланиши, улар бир неча шаклларга эгаллиги, жамликнинг эса, грамматик кўрсаткичи йўқлиги каби илмий мулоҳазалар ўз даври адабий манбалари мисолида тадқиқ этилган.

Тилшунос олимнинг ярим аср муқаддам яратилган ушбу рисола-си ҳозир ҳам ниҳоятда илмий аҳамиятга эгаллиги билан қадрлидир. Устоз Айюб Фуломов ҳаёт бўлганларида 90 ёшга тўлган бўлур эдилар.


Зиёдулла ҲАМИДОВ,  
ЎЗМУ доценти

## ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Самарқанд вилоят ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-сонли қарорига асосан «Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг истиқболли раҳбар кадрлар заҳира мактаби» танлов асосида тингловчилар **ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.**

Танловда қатнашувчилар вилоят ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг кадрлар бўлимига 2004 йил 20 октябргача қуйидаги ҳужжатларни топширишлари талаб этилади.

- Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси);
- 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
- Номзод фаолиятига тавсифнома;
- Диплом нусхаси;
- Таржимаи ҳол;
- Маълумотнома (Объективка);
- Ҳаракат дастури;
- Паспорт (нусхаси);
- Меҳнат дафтарчаси.



Танлов бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: Самарқанд шаҳри, Шохруҳ кўчаси, 82-уй.  
Телефон: 335647. Факс: 335286.  
Вилоят ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси.

## «ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ВА ШАКЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ»

республика илмий-амалий доимий семинарининг **ЭЪЛОНИ**

Семинарнинг навбатдаги мажлиси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда ўтказилади.

**Маъруза мавзуси:**

**«Ижтимоий-сиёсий соҳада жамоатчилик фикрини ўрганиш услубиятини такомиллаштириш муаммолари»**

Семинар мажлиси 2004 йил 14 октябрь куни соат 10.00 да Ўзбекистон Фанлар академияси Президиумининг кичик мажлислар залида бошланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Я.Фуломов кўчаси, 70-уй, Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми.  
Алоқа телефони: 1398429, факс: 1398548.



**Мухтарам Неъмат Ҳандамов!**

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан кутлаймиз. Устоз деган шарафли номга муносиб бўлиб, ёш авлод тарбияси йўлидаги машаққатли меҳнатларингизни доимо қадрлаб келамиз ва сизга Яратгандан узоқ умр, тани-сихатлик тилаймиз. Икки дунё саодати насиб этсин. Оилангиз, дўст-ёронларингиз бахтига соғ-омон бўлинг!

Кўшработ тумани Зebунисо номидаги 47-умумтаълим мактаб жамоаси ва шогирдларингиз.



сида ўтказилди. Турнир дастурига кўпкураш ва алоҳида турлар бўйича бажариладиган машқлар киритилди.

Кўпкураш беллашувларида спортчилар битта мажбурий ва учта ихтиёрий дастур бўйича чиқиш қилди. Мусобақа дастурига киритилган тўп, лента,


эканмиз бир нарсага амин бўлдики, бу спорт тури бошқа ҳеч қандай спорт турига ўхшамайди. Чунки бунда фақат қизлар баҳслашади.

Бошқа кўпгина спорт турларида жисмонан кучли бўлган киши ғолиб бўлса, бунда нафислик ўта муҳим роль ўйнайди. Арзимаган хато учун ҳам ҳеч нарсага эриша олмай қолиш мумкин.

Гиламга чиққан деярли барча гимнастикачилар юксак спорт маҳорати, тасма,

«Sharq go'zali — 2004»

«Шарқ гўзали — 2004» турнири спорт оламида кўплаб янги номларни кашф этиб, катта воқеага айланди, деб таъкидлади ғолибларни тақдирлаш маросимида сўзга чиққан Халқаро гимнастика федерацияси бош котиби Андре Гуисбухлер. У Халқаро гимнастика федерацияси номидан мусобақа ташкилотчилари, ҳакамлар, тренерлар ва




Икки кун давомида «Ўзбекистон» спорт мажмуи бадий гимнастика ихлосмандлари ва хорижий меҳмонлар билан гавжум бўлди.

Осиёда биринчи марта ўтказилган мазкур турнирда дунёнинг 12 мамлакатидан 29 нафар спортчи қатнашди. Улар Озарбойжон, Беларус, Грузия, Исроил, Ҳиндистон, Қозоғистон, Хитой (Тайпей), Қирғизистон, Малайзия, Польша, Россиядан келган спортчилардир. Беш нафар гимнастикачи — халқаро тоифадаги спорт усталари Олеся Ашаева ва Анастасия Берестецкая, спорт устаси Екатерина Бабина, спорт усталигига номзодлар Рита Алимова ва Раъно Муҳаммедова

Гўзаликка чорловчи  
НАФОСАТ БАЙРАМИ



Мамлакатимиз пойтахтидаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида икки кун давом этган бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи — «Шарқ гўзали — 2004» мусобақалари якунланди



юртимиз шарафини ҳимоя қилдилар.

Қизғин ўтган баҳсларни Халқаро бадий гимнастика федерацияси раҳбарияти вакиллари — Техник кўмита раиси Эгли Абруццини, Техник кўмита аъзоси Ирина Винер, Мария Шишковская ҳамда Халқаро федерация бош котиби муовини Андре Гуисбухлер бевосита кузатиб борди. Бу, мусобақаларнинг адолатли ўтишини таъминлади.

Мусобақа халқаро бадий гимнастика федерацияси ва жаҳон кубоги қоидалари асо-




ҳалқа ва булава билан бажариладиган машқлар ҳакамлар томонидан 10 баллик тизимда баҳолаб борилди. Баҳсларни четдан кузатар

ҳалқа, тўпни аъло даражада ўйната олиши, музикани ҳис қилиши, нафис ва гўзал ҳаракатлари билан минглаб ишқибозларнинг кўнглидан жой топа олди.

Кўпкураш якунлари бўйича биринчи ўринни россиялик машҳур гимнастикачи, Афинадаги XXVIII Олимпия ўйинлари олтин медали соҳибаси Алина Кабаева эгаллади. Жаҳон кубоги босқичининг кумуш медалини Қозоғистон вакили Алия Юсупова, бронза медалини россиялик спортчи Ольга Капранова қўлга киритди.

Ўзбекистонлик гимнастикачи Олеся Ашаева 5-ўринни эгаллади. Тўп ўйнатиш якунларига кўра эса, О.Ашаева иккинчи, булавалар билан чиқишларда учинчи ўринга лойиқ деб топилди.



барча иштирокчиларга Тошкент турнири ҳақиқий Олимпия руҳида — адолатли кураш, одил ҳакамлик ва ғалабага интилиш муҳитида ўтказилгани учун миннатдорчилик билдирди.

Ўзбекистон бадий гимнастика федерацияси прези-

денти Л.Каримова бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақаларини ёпиқ деб эълон қилди.

«Шарқ гўзали — 2004» ғолиблари ҳамда ёш гимнас-







тикачиларнинг кўргазмали чиқишлари байрамга якун ясади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Иномова иштирок этди.

Осиёда биринчи марта ўтказилган ушбу Жаҳон кубоги мусобақаларининг намунали ташкил этилиши Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, республика Бадий гимнастика федерацияси, Миллий олимпия кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Халқ таълими вазирлигининг ҳиссаси катта бўлди.

Шерзод АХМАТОВ,  
«Ma'rifat» муҳбири

Бурҳон РИЗОКУЛОВ  
олган суратлар.



**Ko'ngil bitiklari**

**ҲН ЕТТИНИНГ ОСТОНАСИДА**

Болалиқдан айрилдим, куйдим, Гоҳо ажиб ҳисларни туйдим. Муҳаббатга илк қадам куйдим Ҳн еттининг остонасида.

Шўхликлару тўполонлардан, Ҳинқароқ эркаликлардан, Ҳаммасидан бирдек кечдим мен Ҳн еттининг остонасида.

Гоҳо йиғлаб, гоҳо куламан, Баъзан хато қилиб кўяман. Сўнг уялиб, кўз ёш тўкаман Ҳн еттининг остонасида.

Ширин-ширин хаёллар сурдим, Ишқ ўтида ўртандим, куйдим. Сизни дилдан, юракдан суйдим Ҳн еттининг остонасида.

Гоҳ баридан тўйиб кетарман, Болалигим уйлаб кетарман. Қани эди, ортга мен қайтсам Ҳн еттининг остонасидан.

Осмондайин мусаффо уйлар, Пок ниятлар, ойдин орзулар. Умрим порлоқ нурга тўлсин деб, Ҳаёт йўлим бахтга тўлсин деб, Уй сураман, шодон юраман Ҳн еттининг остонасида.

Наргиза ВАЛИЕВА,  
Шайхонтохур туманидаги  
13-мактабнинг  
бошланғич синф ўқитувчиси

Анчадан бери театрга тушмагандим. Ба-ҳоналари кўп. Лекин, барибир, театрга бо-ришни, спектакль томоша қилишни яхши кўраман.

Кўлимга театр таклифномасини тутқа-зишганида, рости, хурсанд бўлиб кетдим. Дарҳол ундаги ёзувга қарадим: Йўлдош Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар те-атрида премьераси — Тоҳир Малик асари асосида сахналаштирилган «Заҳарли том-чилар» («Алвидо, болалик») спектакли намо-йиши.

Театрда одам унча кўп эмасди. Саҳнага ёш томошабинлар театрида фаолият кўрса-таётган ижодкорлар чиқишди. 76-мавсум очилди. Ниҳоят, спектакль бошланди...

Адашган ёшлар тақдири йиғилганларда

**ТЕАТРДА СЕХР БОР**

**Аммо буни ҳамма ҳам ҳис қилавермайди**

ачиниш ҳисларини уйғотди. Спектаклда асосий ролларни ёш истеъдод эгалари — дебютантлар ижро этишди. Улар анча меҳ-нат қилганлари кўриниб турибди. Қисқаси, ёш актёрлар ўз маҳоратларини намоёйиш эта олишди.

— Биз бутунги спектакль орқали ёшлар-ни огоҳликка даъват этмоқчимиз. Тўғри йўлга чорламоқчимиз.

Кўпчилик қатори мени ҳам бу сўзлар таъсирлантди. Асосийси, маҳоратли ижро томошабинлар қалбига йўл топа олди. Бар-чани огоҳликка чақирди.

Мен ҳам анча вақт спектакль таассурот-лари билан юрдим. Театрдан чиқибок дўстимникига йўл олдим. Негадир, уни кўргим келди.

— Анча ўзингга келиб қолибсан. Нега кўнғироқ қилмай кўйдинг? Ёки мендан ха-фамидинг?..

**Taassurot**

Тушундим. Ўртамизда озгина гап ўтган-ди. У ўшанга ишора қилди. Кейин дўстим-га театр таассуротларини гапириб бердим.

— Аҳа, гап буёқда экан-да, — дея кулиб кўйди у. — Биласанми, менда ҳам шундай ҳол бўлган. Назаримда, театрда қандайдир сеҳр бор. Ҳар гал спектакль томоша қилган-ни борганимда, ўз-ўзидан ғам-ташвишларим унутилади. Ҳаммага яхшилиқ қилгим келиб кетади...

— Менда ҳам шундай бўлди-да, — де-дим шўшиб.

— Ана, кўрдингми. Театрда сеҳр бор. У

ҳаммани яхшилиқ қилишга, ўтган ҳаётини бир бор эслаб кўришга ундайди. Шунинг учун ҳам тез-тез театрга тушиб туриш ке-рак. Мана, сен билан мени яна яқинлаш-тирди-ку. Кел, энди тез-тез театрга тушиб турамыз.

Биз анча гаплашдик. Яхши режалар туз-дик. Ва хайрлашдик.

Эҳтимол, озгина ошириб юборгандирман, лекин, ростдан ҳам, театр қалбимда эзгу туй-ғуларни уйғотиб юборди.

Сиз театрга бориб турасизми? Агар бо-риб турсангиз, жуда яхши.

Театрга бориш — ўткнчи ташвишларин-гизни унутасиз, яхшилиқка ошно бўласиз.

Театрга тушинг — яқинларингизга меҳри-бон бўласиз.

Келишилганидек, энди мен ҳам тез-тез театрга бориб тураман.

Бехзод ФАЗЛИДДИН

**Xullas...**

**ЯГОНА ЙЎЛБАРС**

Испаниянинг Бени-мантель шаҳридаги ноёб ҳайвонлар сақланадиган «Арка» марказида оппоқ йўлбарс дунёга келди. Ер юзидан қанчадан-қан-ча йўлбарслар бўлса ҳам ҳали бунақаси тугилма-ган. «Артико» деб ном-ланган йўлбарсчанинг онаси бенгалиялик бўлиб, барча турлар қатори ола-була эди.

«Арка» маркази ваки-ли берган баёнотга кўра, бундай турнинг пайдо бўлиши кам учрайдиган ҳодиса. Улар камдан-кам ҳоллардагина бундай шароитга мослашадил-лар. Ёввойи ва йирткич ҳайвонларга тўла-тўқис шароитдан кўра чангал-зор, дашту биёбонлар афзалроқдир. Шу ўрин-да буюк мутафаккир Али-шер Навоийнинг машҳур сатрлари тилингизда айланади: «Олтин қафас ичра гар қизил гул бит-са, булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш».

**ФАВВОРАДАГИ КАРПЛАР**

Сиктивкар шаҳрининг маъмурий биноси олди-даги фавворада карп ба-лиқлари яшайди. Бир неча ой муқаддам бу ерга келтирилган балиқ-лар шаҳарликларнинг диққат-эътиборини тор-та бошлади. Айниқса, болалар учун ажойиб то-моша топилди. Сув ҳав-засининг чуқурлиги бор-йўғи 70 см. бўлгани боис, балиқларнинг су-зиб юришини аниқ-ти-ниқ кўриш мумкин. Ким билади дейсиз, балиқ-лар бундан миннатдор-ми ёки йўқми? Ҳар қалай озуканинг ташлаб турилиши, балиқлар ваз-ни ошаётганлиги улар-да норозилик уйғотма-ётганлиги аниқ.

Ҳадемай қиш келади. Карпларни фавворада қолдириш хавфли. Шу боис уларга «бошпана» керак. Балиқ ишқибозла-ри жониворларни вақ-тинча ҳарбий қисмлар-дан бирининг сув ҳавза-сига қўйиб турадиган бўлишди. Баҳорда эса, карплар яна фавворага келтирилади.

**ana shunaqa gaplar**

**ЭГИЗАК СКАНВОРД 4**

	Қадим "Уста ва ...", Булгаков	Доим Футболда "ярим хамов"	Машҳур хинд фильми	Мекси- кага қўшни штат	Денгиз карами	Ташкил топган	Музлат- гич русуми	
Арабча белги		Туркий қабиласи Иссиқхо- на (рус)		"... мў- жизалар мамла- катада"				АҚШ штати
			Кнут Гамсун асари	От зоти Зелихон лақаби				Афсона, миф
Ўз... пойафзал қўйма корхонаси	Цирк май- дони	Туман, шаҳар, Андижон вилояти	Собик "Пахта- кор"чи	Япон- лар кийими				
Тад- бир			Куба пойтахти	Ўзбек олимаси			Мохир учувчи	
			Жаро- ҳат изи	Сон тури			Тўсин	Ёпиш- қоқ модда
Довон, Курама тизмаси			Иш хуж- жати	Парла- мент		Башара		
Сигир Кўл, дарё, Канада		Ҳалокат дарак- чиси		Давлат, Африка (ҳиск.)	Анди- шали			
				Унга қарши нафта- лин	Катта		Шекспир "Қирол"и	
							Уч	
	Саҳоба ... Ибн Молик	Иргит		Дарё (Герм., Польша)		Нух пайгам- барнинг ўғли		

Тузувчи:  
Давронбек  
ТОЖИАЛИЕВ

**Ma'rifat**

**ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:**  
Ўзбекистон Халқ таъли-ми вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:  
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Хулқар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-1129.  
Тиражи 19844. 1 3 4 5 6  
Ҳажми 4 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:  
Нурлан УСМОНОВ.  
Навбатчи:  
Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

«Ma'rifat»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятта юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Манзил: МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касба йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими —136-54-03, реклама ва тарғибот бўли-ми—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида  
Ляляя БИНАШЕВА  
ва Малоҳат ТОШОВА  
саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акционерлик компанияси  
босмаҳонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон»  
кўчаси 41-уй

Босишга тошириш вақти — 21.00.  
Тоширилди — 21.00.